БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 4 сентябрь Сешанба

№ 167 (13.603). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

ЎТТИЗ ИШ КУНИДА

ОЛОТ НОҲИЯСИ пахтакорлари ўтган йилги мавсумда йиллик топшириқни жумҳуриятда биринчи бўлиб бажарган эдилар. Бу йил ҳам олотликлар мўл пахта ҳосили етиштирдилар. «Ялпи ҳосилни 30 иш кунида териб оламиз!» ноҳия ёш пахтакорлари бурноғи йилдаги сингари бу мавсум учун ҳам шундай мажбурият қабул қилдилар.

Ноҳия комсомол қўмитаси бюро мажлисида мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Қабул қилинган қарорга кўра, илғорлар беллашуви ҳар ўн кунда якунланиб боради. Энг кўп пахта терган механизаторга «Урал» мотоцикли мукофотга берилади. Иккинчи ўрин соҳибига видеомагнитофон, учинчи ўрин эгасига 100 сўм пул топширилади.

Ўн кунликда қўлда энг кўп пахта терганлик учун ҳам эгаллаган ўринларга қараб 20 сўмдан 50 сўмгача пул мукофотлари топширилади.

Ушбу тадбирлар олотлик ёш пахтакорларнинг бу йилги йиғим-терим мавсумини муваффақиятли якунлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ойгул ЕТТИЕВА,
Бухоро вилояти комсомол қўмитасининг шўъба мудири.

ХИРМОНГА БАРАКА!

Бугун бепоён далалар оқ либосга бурканмоқда. Пахта далаларида қайноқ дамлар бошланмоқда.

Большевик ноҳиясидаги «Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси» жамоа хўжалигининг Бердирасул Тиллаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ўз майдонларида етиштирилган пахта ҳосилини йиғиштириб олишга киришдилар.

Ёшлар жамоаси аъзолари бу йил 70 гектар майдондан 164 тонна сара ҳосил етиштиришга бел боғлашган. Дастлабки терим куниёқ йигит-қизлар йиллик планнинг бир фоизи миқдорида пахта топширишга муваффақ бўлишди. Жамоада пахта йиғим-терими кундан-кунга авжига чиқмоқда.

Абдунаби АБДУАЗИЗОВ,
«Большевик» рўзномаси ходими.

Самарқанд вилояти.

ДУНЁНИ АНГЛАШ ҚУВОНЧИ — МУҲАББАТ САОДАТИ

— Қўшиқларимиз бахт, севги, дўстлик ҳақида ва биз уларни Ўзбекистон тупроғида яшаётган барчага бағишлаймиз, — деди менга саҳнага чиқиш олдидан тикувчилар маданият уйининг «Наврўз» замонавий ўзбек қўшиқлари дастаси бадиий раҳбари, консерватория толиби Абдуфаттоҳ Абдуғаффоров. — Ҳозир кўпгина одамлар ғазабнок ва биз уларга қарата шундай деймиз: бир зум тўхтанг, қаранг-а, бу дунё қандай ажойиб, ҳар биримиз қанчалар меҳр-оқибат кўргазишимиз мумкинлигини ўйлаб кўринг!

Мана, М. Горький номидаги маданият ва дам олиш боғининг ёзги саҳнасида доиранинг даъваткор чертилиши, электрогитаранинг жилвакор овози, рубобнинг қалб торларини жунбушга келтирувчи садоси янгради — одамлар завқ билан қўшиқ тинглай бошлашди. Қўшиқ муҳаббат ҳақида эди.



Шу куни боғда икки байрам — Бутунжаҳон тинчлик куни ва Билимлар куни туташ келди. Бундай ўхшашликнинг рамзий маъноси бор. Ахир тинчликни барқарор топтириш учун билим керакда. Тинчлик ҳам, ўз навбатида англаш қувончисиз яшай олмайди.

Байрамни сармоя билан таъминлашни тинчликни ҳимоя этиш Тошкент вилоят қўмитаси қошидаги «Мадус» хўжалик ҳисобидаги корхона ва боғ дирекцияси ўз зиммасига олганлигини айтиш лозим. Ташкилотчилар байрам кичкинтойларга ҳам, юқори синф ўқувчиларига ҳам мароқли бўлиши учун анчайин ҳаракат қилдилар.

Кичкинтойлар «Ер куррасида энг қувноқ халқ — болалар яшайди» эрталигида бажонидил қатнашишди. «Минг табассум» — Т. Содиқов номидаги Маданият уйининг цирк санъати театр — студияси артистлари ўз программаларини шундай деб аташди. Э. Тельман номидаги қўғирчоқ театри спектаклини кўрганлар дўстлик, бу қувониб ва одамларга фойданг тегиб яшаш эканлигига яна бир марта иқрор бўлдилар.

Ва яна қўшиқлар янгради. Ҳ. Олимжон номидаги Маданият уйининг ўзбек халқ қўшиқлари дастаси ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси маданият бошқармаси «Қизил атиргул» сиёсий қўшиқлар дастаси чиқишлари ҳам қизғин кутиб олинди. Байрам эртаси куни ҳам давом этди. Шу куни Ўзбек давлат филармонияси чолғу дастасининг катта концерти бўлиб ўтди. Айниқса, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Баҳром Мавлонов куйлаган қўшиқлар томошабинларни хушнуд этди.

Жумҳуриятимиз парламенти қандай бўлиши керак? Қандай масалаларни ва қай тартибда ҳал этиши лозим? Жумҳуриятимизда сиёсий кучларнинг салмоғи қандай ва уларни қайси негизда жипслаштириш даркор? Юқори синф ўқувчилари сиёсий ринг чоғида ана шу ва бошқа кўплаб саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдилар. Баҳсга «Билим» жамияти лектори, доцент Н. Юсупов етакчилик қилди. Муҳими, у ўз фикрини бошқаларга зўрлаб сингдириш йўлидан бормади, мунозара маданиятига риоя қилди.

Муҳаббат — бу, нафақат булбул хонишию, бўса эмас. У айни вақтда, турмуш ўртоғинг, фарзандларинг, жамият олдидаги масъулиятинг ҳамдир. Қанча оилалар хўжалик юритишдаги уқувсизлик, руҳий сабот етишмаслиги ва йигит-қизларнинг оилавий турмушнинг «сирли дунёси»дан бехабар эканликлари оқибатида бузилиб кетади. Мана шунинг учун ҳам «Йигит, қиз ва муаммолар...» деб аталувчи мазмундор маъруза ўқилганда кечага йиғилган ёшлар уни жон қулоқлари билан эшитишди... Сўнг дискотека бўлиб ўтди.


Тўғри ва зерикарли нутқлардан ташкил топган расмий тадбир бўлмаганлиги учун ҳам бу кун одамларга чинакам завқ-шавқ бағишлади. Буни бу ерда ҳозир бўлганлар тасдиқлаши мумкин.

В. МАҚСАДОВ.

СУРАТЛАРДА: қўш байрам лаҳзалари.

Е. БОТИРОВ суратлари.











СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ГУЛИСТОН НОҲИЯСИДА «ЁШ ЛЕНИНЧИ» КУНЛАРИ

ДАВРАНИ КЕНГРОҚ ОЛИШСИН!

ДЕЙДИ ЖУМҲУРИЯТДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ, ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИГА НОМЗОД МАҲМУДЖОН АЗИМОВ.

Муштарийларимизга яхши маълумки, сўнгги вақтларда рўзномамиз ташаббуси билан жумҳуриятимизнинг кўпгина вилояту, ноҳияларида аҳолининг турли табақалари билан кўпдан-кўп учрашувлар ўтказиш одат тусига кириб қолди. Иштихон, Хива ноҳияларида, айниқса, Қашқадарё вилоятининг «Кўкдала» давлат хўжалигида ўтказилган «Ёш ленинчи» байрами кўпчиликнинг ёдида қолганлиги шубҳасиздир.

Бу галги учрашув ташаббускорлари муштарийларимиз — тўғрироғи ҳамкасб журналистлар бўлишди. Улар «Ўзбекистон физкультурачиси», «Физкультурник Узбекистана» рўзномалари ҳамда Сирдарё вилоятининг «Гулистон» рўзномаси жамоаси аъзоларидир. Байрам ўтказишни ноҳия комсомол қўмитаси ҳамда кўнгилли физкультура-спорт жамияти касаба уюшмаси ҳам қизғин қўллаб-қувватлашди.

Ҳар бир янгиликнинг ижодкори бўлиши ҳаммага аён. Хўш, бу галги рўзномамиз аҳли билан учрашув ғоясини ким ўйлаб топди? Бу саволга ташаббускорларнинг ўзлари Рустам Содиқов, деб жавоб беришади. Уларнинг айтишларича, Рустамжон ёш журналист, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика куллиётида таҳсил олади.

— Йўқ, бу ташаббус фақат менгагина таллуқли эмас, — дейди камтарлик билан Рустамжон.

— Ўтган йили эди. Ноҳия хўжаликларини айланиб чиқдим. Спорт билан қизиқдим. Ростини айтсам, бу соҳада ҳамма иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мусобақалар ўтказиладиган майдонлар қаровсиз ҳолга келган. Хўжаликлардаги спорт йўриқчилари эса раҳбарларнинг, кечирасиз-у, югурдагига айланган. Бу аҳволда қандай қилиб ноҳия спорт шуҳратини кўтариш мумкин? Мақола тайёрладим. Унга «Ноҳия спортчилари қани?», деб сарлавҳа қўйдим. Бу чиқишим шунчалик шов-шувга сабаб бўлади, деб ўйламагандим. Мақола ноҳиянинг ҳамма ерида муҳокама қилинди. Ишни яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Танқид ширинлик эмас, ҳатто у ўз туққанингга ҳам ёқмайди. Рўзномадаги бу чиқишни ўқиган ноҳия кўнгилли физкультура спорт жамияти касаба уюшмаси раиси Тоҳир Отабобоевнинг тепа сочи тик бўлди. Лекин бари бир ҳақиқат ҳақиқатда. Уни букиб ҳам, синдириб ҳам бўлмайди. Рустамжон рўзномага нима ёзган бўлса, ҳаммаси тўғри. Тан олди буни Тоҳиржон.

Отабобоев рўзномага, тўппа-тўғри Рустамжон олдига йўл олди. Гарчи юрагида алами бўлса-да, мухбир йигит билан кулимсираб қўл олишди. Уёқ бу ёқдан гаплашиб ўтирган бўлди-да, асл муддаога кўчди-қўйди:

— Ўқидим, мақолангизни, — у узун бармоқлари билан стол устини асабий тарзда тақиллата бошлади, — менга ёқди. Ростини айтсам, танқид қилишни мен ҳам биламан. Хўш, ноҳияда спортни яхши йўлга қўйиш учун шахсан сиз, рўзномангиз жамоаси нима ишлар қилди?

Рустамжон бундоқ ўйлаб қараса, Тоҳиржон ҳам ҳақ. Ахир ноҳияда спорт ишларини оммавий йўлга қўйишда ўзи ҳам, у ишлаётган жамоа аъзолари ҳам бирор бир аниқ иш қилганлари йўқ-ку. Бўлмаса рўзнома жамоасининг ташвиқот қудрати кучли-ку.

Шу кунги суҳбатда икковлон бир аҳдга келишди: қандай бўлмасин ноҳияда спорт ишларини жонлантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни унга кўпроқ жалб этиш, йигит-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш. Уларнинг бу қарорига ноҳия комсомол қўмитасининг ходимлари, кейинчалик эса, маорифчилар қўшилишди.

Шу асйода рўзнома ижодкорлари, штатсиз мухбирлари ва маорифчилардан иборат «Илҳом» футбол командаси ташкил топди. Ишёқмас, «катталарнинг югурдаги»га айланган спорт йўриқчилари ишдан четлатилди. Уларнинг ўрнига спортни ҳақиқий севадиган, ёшлар билан ишлашни севадиган кишилар танланди. Ноҳия марказида «Ёшлар ва ўсмирлар» клуби ташкил этилди. Клубга аъзо бўлган юзга яқин ёшлар спортнинг самбо, ушу, стол тенниси турлари билан шуғуллана бошладилар. Қарабсизки, ишда яхши томонга ўзгариш сезила бошлади.

Яқинда рўзномамизга гулистонлик бир гуруҳ вакиллар келишди. Улар журналист, спортчи, комсомол қўмитаси ходимларидан иборат эди. Вакиллар «Ёш ленинчи» жамоасининг «Ижодкор» командасини ўртоқлик учрашувига таклиф этгани келишибди. Биз гулистонликлар таклифини бажонидил қабул қилдик. Футбол ўйини билан бирга оммавий халқ сайлини ҳам ўтказишга келишиб олдик.

Буни қарангки, хушхабарнинг қаноти бор дейишгани тўғри экан. Бизнинг Гулистонга сафаримизни жумҳуриятимизнинг хушовоз хонандаси Маҳмуджон Азимов ҳам эшитиб қолибди. Кеча у рўзномамизга сим қоқиб, шундай деди:

— Мен ҳам, мен раҳбарлик қилаётган «Парвоз» дастаси аъзолари ҳам учрашувда жон-жон деб қатнашамиз. Озми-кўпми сайлнинг мароқли ўтишига ҳиссамизни қўшмоқчимиз. Фақат гулистонликларга айтинг, даврани кенгроқ олишсин.

Маҳмуджоннинг бу гапларига юз фоиз қўшиламиз. Ким-да-ким «Ёш ленинчи» «Ижодкор» командаси ҳамда «Гулистон» рўзномасининг «Илҳом» командаси билан бўладиган футбол учрашувини ҳамда оммавий халқ сайлини томоша қилишни истаса, 7—8 сентябрь кунлари Гулистон ноҳияси марказига ташриф буюрсин.

Даврамизга қўшилинг, дўстлар.

Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

Шу сонга хабар

Бухорода байрам

ҚАДИМИЙ ва ҳамиша навқирон гўзал Бухоро шаҳри бугунги кунда ўзгача. У ўзининг инқилобдан кейинги шонли 70 йиллигини нишонламоқда. Бу қутлуғ санага атаб қарийб бир ой давомида вилоят марказида ноҳияларнинг маданият кунлари бўлиб ўтди. Бу кунларда йигит ва қизлар фаол қатнашиб, эски қадриятларни унутмасликка қасамёд қилдилар.

Вилоятда 27—30 сентябрь кунлари вилоят комсомол қўмитасининг раҳбарлигида Бухоро инқилобининг 70 йиллигига бағишлаб «Шарқ қўшиғи» фестивали ўтказилади. Бу фестивалда қатнашиш учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларидан ёш хонанда ва рақкосалар таклиф этилган.

Шунингдек, дўст ва биродар Ҳиндистон ҳамда Афғонистон жумҳуриятларидан ҳам фестивалда иштирок этиш учун санъаткорлар ташриф буюришди.

Байрам кунларида йигит-қизлар инқилобнинг жонли шоҳидлари бўлган нуронийлар билан учрашиб, уларнинг мароқли суҳбатларини тингладилар. Инқилоб сарчашмаларида турган Файзулла Хўжаев, Болта Хўжаев, Фитрат, Муса Саиджонов сингари ўлмас сиймоларнинг ёрқин хотираларини мамнуният билан ёдга олдилар. Халқ бахт-саодати учун ўз жонларини қурбон қилган бу инқилобчиларнинг уй-музейлари очилди. Фитрат номли янги мактаб ўқувчиларни ўз бағрига чорлади.

Камол МАҲМУДОВ,
Бухоро вилояти комсомол қўмитаси мафкура бўлими мудири.

Машина ўғриларини ушлаш осонлашади

СЎНГГИ вақтларда фуқароларнинг шахсий машиналарини олиб қочиш ҳодисалари бот-бот такрорланиб турибди. Ҳар қанча эҳтиёт чоралари кўрилишига қарамай ўғирлик давом этаётир. Ростини айтганда, жиноятчиликнинг бу турига қарши курашда ички ишлар органлари ҳам ожизлик қилмоқда.

Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнидагина жумҳуриятимиз бўйича 961 та машинани олиб қочиш ҳодисаси қайд этилди. Ички ишлар органларининг бевосита иштироки билан уларнинг 299 тасигина топилди, холос. Қолганлари ҳамон изланяпти.

Машинани олиб қочишда тошкентлик ўғриларнинг олдига тушадигани бўлмаяпти. Ўтган олти ой мобайнидагина бу азим шаҳарда 600 га яқин машина олиб қочилди. Уларнинг 83 тасигина топилди. Фақатгина 1 сентябрь куни Тошкентда 10 машина ўғирланди. Уларни излаш давом этаяпти.

Жамбуллик Султонхўжаев ўз яқинлари билан Тошкентга Ҳамза театрига томошага келганди. 1 сентябрь у учун ташвишли кун бўлди. Султонхўжаевнинг оқ рангли, «Газ-24» давлат номери «Д 20—76 ДЖ» автомашинасини олиб қочиб кетишди. Шунингдек, Қашқадарёдан ўз машинасида пойтахтга келган Асадов юртига яёв қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Куппа-кундуз куни соат 12 ларда жумҳурият кўкрак хирургияси илмий-тадқиқот институти ёнидан унинг «Ваз 21-063» давлат номери «Е 06-88 КФ» машинасини номаълум шахслар олиб қочишга муваффақ бўлдилар.

Хўш, нима учун машиналарни олиб қочиш ҳодисалари тез-тез такрорланиб турибди? Бу энг аввало машина эгаларининг ўз транспортларига ўта масъулиятсизлиги натижасида содир бўлаётир. Қолаверса, фуқаролар ўз шахсий машиналарини олиб қочишга қарши замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозламаётирлар.

Шу кунларда жумҳурият ички ишлар вазирлигининг давлат автомобиль инспекцияси томонидан машиналарни олиб қочишга қарши курашиш учун «Пеленг» системаси ишлаб чиқилиб, поёнига етказилаётир. Бу системанинг афзаллик томони шундаки, машиналарга «секрет» ўрнатилади. Айтайлик безори машинани олиб қочди. Ана шунда «секрет» ишга тушиб, олиб қочилган машина қаерда кетаётгани ҳақида барча давлат автомобиль инспекцияси постларига муттасил равишда сигнал бериб туради. Энг яқин ўртадаги автомобиль инспекцияси пости эса уни осонгина ушлаб олиш имкониятига эга бўлади.

Фуқаролар, ҳозирча эса сиз ўз машиналарингизга ниҳоятда эҳтиёт бўлинг. Уни бирор дақиқа ҳам қаровсиз қолдирманг. Акс ҳолда, аттанг, деб қолишингиз мумкин.

Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,
Жумҳурият ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль инспекцияси ходими, милиция капитани.

Обуна нархи оширилмасин!

«СРЕДНЕАЗИАТСКАЯ магистраль» рўзномаси муҳарририятининг жамоаси шундай қарор қабул қилди. Уни йўллар бошқармаси раҳбарияти ва касаба уюшмаси ташкилоти қўллаб-қувватлади. Ўрта Осиёнинг бир қанча жумҳуриятларида рўзноманинг ўн беш мингга яқин обуначиси бор. Таҳрир ҳайъати темирйўлчи-муштарийларга мурожаат этиб, уларни рўзномага даъват этди. Таҳрир ҳайъати муштарийларнинг кўпайишини ўзи учун молиявий ёрдамгина эмас, шу билан бирга матбуот органи таъсирчанлигининг гарови ҳам, деб ҳисобламоқда.

Литва: мактаб сиёсатдан холи бўлади

ЛИТВА маданият ва маориф вазири бутун маориф системасини сиёсатдан холи қилиш тўғрисидаги буйруқни имзолади. Барча ўқув юртларидаги партия ташкилотлари ҳамда бошқа сиёсий ташкилотлар тарқатиб юборилади. Ўқитувчилар ҳудудий ёки бошқача йўл билан бирорта партияда бўлишлари мумкин. Бу партиялар «Фақат ўқув юртлари жойлашган ердан ташқарида бўлиши керак».

Вазир ўринбосари А. Юозайтис «Тиеса» газетаси мухбири билан суҳбатда шуни маълум қилди. У янги ўқув йилидан бошлаб мактабларда кашшофлар раҳнамоларининг штати тугатилишини ҳам айтди.

Шу сонга хабар



Деҳқон кутган кунлар
аста-секин яқинлашяпти.
Шукрки,
қайта-қайта ёзиш,
чизишлардан сўнг
пахтакорнинг меҳнатига
ҳақ тўлаш
бироз яхшиланди.
Ҳар килограмм пахтага
20—25 тийин
берилаётганини
кўпчилик билади.
Шеробод ноҳиясидаги
Н. Муродов номли
хўжаликдаям бу саховатни
мамнун қаршиладилар.
Ҳозир хўжаликда
32 майдон,
90 та пахта териш
машинаси,
10 та тележка,
дефолиация қиладиган
техникалар
мавсумга шай.

Суратдаги механизатор
йигит
Ҳ. Сатторов ўтган йили
270 тонна хом-ашё
йиғувди.
Бу йил ҳам
мўлжали шу.

И. ХЎЖАЕВ суратга олган (ЎзТАГ суратхроникаси).

Муҳокама учун мавзу

«География»ми ёки «жўғрофия»?

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши жўғрофиюн ва жўғрофия таълими мутасаддиларига ўзбек тилидаги жўғрофий тушунча, атама ва номларнинг ишлатилишини пухта ўйлаб кўриш ва ривожлантириш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон Давлат тили ҳақидаги қонуннинг 24-моддасида «СССРдаги ва хорижий мамлакатлардаги барча жўғрофий номлар ўзбек миллий тарихий анъаналарига ва ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда ўзбек тилида рақам этилади» дейилган. Ғ. А. Абдумажидов билан Т. Т. Шоҳназаровларнинг («Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақидаги қонунига шарҳлар» (Тошкент, «Ўзбекистон» 1990) рисоласида, бу моддага «Ўзбекистон ССРдан ташқаридаги жўғрофий номлар ўзбек тилига сингиб кетган тарихий анъаналарга риоя қилинган ҳолда ёзилиши лозим. Масалан «Армения» ўрнига «Арманистон», «Балтика» ўрнига «Болтиқ» кабилар» деб шарҳ берилади.

Жўғрофия фани, жўғрофия таълимидаги номлар билан бирга жўғрофий тушунча ва атамаларнинг аҳамияти катта, улар ҳам Давлат тили қонуни талаблари асосида қўлланилиши лозим.

Қуйидаги сатрларни қоғозга туширишдан аввал, инқилобгача ва инқилобдан кейинги матбуотдаги жўғрофий тушунча, атама ва номларни ўрганиш ва таҳлил этишимга тўғри келди. 1937 йилгача бўлган жўғрофий атама ва номларнинг ишлатилишини таҳлил қилиш, жўғрофий асарлар, китоблар, рисолалар, мақолаларни варақлаш туфайли қуйидаги мулоҳазалар пайдо бўлди.

1935 йилларгача ўзбек миллий тилига, жумладан ўзбек тилидаги жўғрофий атамаларга нисбатан таъқиб авж олди. Араб ва форс тилларидан кириб, ўзбек тилида ўзлашиб қолган, қадимдан қўлланиб келинган сўзлар, жўғрофий атама ва номларни ишлатган кимсаларга «миллатчи» деган тамға ёпиштирилди, анъанавий атама ва номлар ўрнига рус тили орқали хорижий атамалар ва номлар ўзбек тилига кириб кела бошлади. Рус ва ажнабий сўзларни тадбиқ этишни «тараққиёт», «ривожланиш» деб талқин этилди. Анъанавий жўғрофий атама ва номлар асоссиз ҳолда мулоқотдан қувғин қилинди, маънавий бойлик бисотимиздан тушиб қолди.

Масалан, «Муаллим» ўрнига «Ўқитувчи», «Жўғрофия» ўрнига «География», «Жумҳурият» ўрнига «Республика», «Вилоят» ўрнига «Область», «Мухтор» ўрнига «Автоном», «Атама» ўрнига «Термин», «Уфқ» ўрнига «Горизонт», «Сайёра» ўрнига «Планета», «Миқёс» ўрнига «Масштаб», «Туш чизиғи» ўрнига «Меридиан», «Даража» ўрнига «Градус», «Харита» ўрнига «Карта», «Ҳарорат» ўрнига «Температура», «Кура» ўрнига «Шар», «Муаллиф» ўрнига «Автор», «Котиб» ўрнига «Секретарь», «Дорилфунун» ўрнига «Университет», «Дорилмуаллимин» ўрнига «Педагогика институти» каби сўзлар ишлатила бошланган.

Шахсга сиғиниш йилларида мустақил фикр юритиш унутилган эди. Хокисор ва сертавозеъ халқимиз «муаллим» деган сўзни ишлатишдан қўрқиб, русча «учитель» деган сўзни «ўқитувчи» деб таржима қилиб, муомалага киритган. Қарангки, озарбайжон, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз ва тожик халқлари ҳамон «муаллим» деб ишлатади. Фикримизча «ўқитувчи» сўзига нисбатан «муаллим» сўзининг мазмуни чуқурроқ ва қамрови кенгроқ. Муаллим — таълим берувчи, тарбия берувчи ва устоз маъноларини билдиради.

Ўзбеклар «жўғрофия» сўзини жуда қадимдан, ўтган асрдан бошлаб ишлатадилар. Ер ҳақидаги фан, Ер юзасининг табиати ва хўжалигини ўрганадиган фанлар мажмуи, ўзбек тилига дастлаб «жўғрофия» тарзида кириб келган. 1937 йилгача чоп этилган жўғрофий асар, китоб, дарсликлар «жўғрофия» деб аталган. Масалан, «Жўғрофияий риёзий, 1914 й.; «Жўғрофияий ижмоли», 1915 й.; «Расмли бошланма жўғрофия» Тошкент 1919 й.; Н. Балашов «Ўрта Осиё иқтисодий жўғрофияси» Тошкент, Ўздавнашр, 1926 й.; Иванов «Бошланғич жўғрофиё»; Тошкент, Ўздавнашр, 1927 й.; Бектемир, Обиз. «ИШЖИнинг иқтисодий жўғрофияси», Тошкент, 1927 й.; Н. П. Архангельский «Ўлкани ўрганиш, дарслиги. Жўғрофия», Ўздавнашр, 1933 й.; А. Обизов. «Ўзбекистон социалистик Шўролар жумҳурияти жўғрофияси», Тошкент, Ўздавнашр, 1934 й.; Н. Н. Баранский «СССР жўғрофияси», Тошкент, Ўздавнашр, 1934 й.; И. А. Витвер «Капиталистик мамлакатлар иқтисодий жўғрофияси», Тошкент, Ўздавнашр, 1936 й.; Л. Г. Терехов ва В. Г. Эрдели. «Жўғрофия», Тошкент, Ўздавнашр, 1937 й.

1937 йилгача барча адабиётларда «карта» ўрнига «харита» ишлатиб келинган. Мактаб жўғрофиясига дастлаб «харита» атамаси кириб келган. «Карта» дейилган — ўйин картаси, муайян мақсадлар учун тузилган ҳужжатлар — санаторий картаси, зироатчилик картаси (пайкал)ни тушуниш мумкин.

Ҳозирги жўғрофиюнларимизнинг тахминан 80 фоизи «жўғрофия»ни дастлаб «География» деб, «Харита»ни «Карта» деб ўрганганi, яъни кўз очиб кўрган атамалари «География» ва «Карта» бўлганлигидан, бу атамалар уларга эриш туюлиши ҳам мумкин. Бу атамалар бисотимиз сандиғидаги сўзлар бўлиб, шахсга сиғиниш ва турғунлик йиллари бироз чанг босган, биз уларни ишлатмай қўйиган эдик, холос. Буларни муомалага киритишимиз билан биз миллий, анъанавий атамаларимизни қайта тиклаган, жўғрофий бойлигимизни устига қўнган гардлардан фориғ этган бўламиз.

Жўғрофияда «План» деган атама бор, «План» лотин тилидан олинган бўлиб, «ясси», «текис» деган маъноларни билдиради. Мулоқотда эса «План» сўзи — жойнинг плани (чизмаси), режа-тадбир, ифода тартиби, дарсни ўрганиш плани (тартиби), кимса ёки буюмларнинг расм-тасвирдаги ўрни, аҳамияти каби бир неча маъноларда ишлатилади.

Фикримизча, бир сўзни айни вақтда бир неча маънода ишлатишдан эҳтиёт бўлиб, жойнинг плани (чизмаси) ўрнига «тарх» деб ишлатиш, масалан, «жойнинг тархи», «Тошкент шаҳрининг тархи», «кўз билан чамалаб, жойнинг тархини тузиш», «Бирон бинонинг тархи», деб ишлатиш маъқул эмасмикин. «Дарснинг ўрганиш плани» ўрнида эса «Дарснинг ўрганиш режаси » деб ишлатиш мақсадга мувофиқ.

«Планета» атамаси лотинчадан олинган бўлиб, «Адашиб юрувчи», «Дайди» деган маъноларни билдиради. «Планета» аслида адашиб юрувчи, дайди осмон жисми эмас. Улар муайян тартиб билан орбита бўйлаб Қуёш атрофида «сайр» этиб юрувчи осмон жисмлари бўлиб, улар ўзидан ёруғлик чиқармайди, Қуёшдан олган нурни қайтаради.

«Планета» иборасининг ўрнига, ўзбек тилидаги «Сайёра» атамаси мазмунан жуда мос келади. Чунки, «Сайёра» сўзи муайян тартибда сайр этувчи, ҳаракатланувчи деган маънони билдиради. Ўзбек халқи «ота-она эътиборидан узоқлашмасин, улардан олган меҳр нурини бошқаларга илтифот этсин» деган умид, ният билан ўғилларига «Сайёр», қизларига эса «Сайёра» деган исм қўядилар.

Шундай экан, «Планета» сўзининг ўрнига «Сайёра» ишлатиш мақбулдир.

«Меридиан» атамаси лотинчадан олинган бўлиб, «Туш вақти», «Туш чизиғи» деган маъноларни билдиради. Демак, «Меридиан» атамасининг ўрнига ўзбек тилида «Туш чизиғи» атамасини ишлатиш мумкин.

Биз қуйида жўғрофия ва жўғрофия таълими методикасига оид айрим атамаларни тавсия этмоқдамиз. Жўғрофий атамалари уч устунда: 1935 йилгача, 1937-1990 йиллардаги аталиши ва бундан буён мақбул атамаси ўз ифодасини топган (Ажнабий атамаларга асосан 1935-37 йилларда ўтилган). Жўғрофия таълими методикасига оид атамалар икки устунда: шу кунгача ва бундан буён мақбул атама тарзида тавсия этмоқдамиз.

Миротиқ МЎЪМИН,
Низомий номидаги Тошкент давлат дорилмуаллимин профессори.

ЖЎҒРОФИЙ АТАМАЛАР

1935 йилгача	1937—1990 йилгача	Бундан буён
Мухтор	Автоном	Мухтор
Тақим ороллари	Архипелаг	Тақим ороллари
Жўғрофия	География	Жўғрофия
Уфқ	Горизонт	Уфқ
Уфқий	Горизонталь	Уфқий
Даража	Градус	Даража
Даража тури	Градус тури	Даража тури
Мадори жадйи	Жанубий тропик	Мадори жадйи
—	Космонавт	Фазогир
Коинот	Космос	Коинот
Харита	Карта	Харита
—	Календарь	Тақвим
Миқёс	Масштаб	Миқёс
Туш чизиғи	Меридиан	Туш чизиғи
Тахминлаш	Ориентирлаш	Тахминлаш, мўлжалга олиш
Вилоят	Область	Вилоят
Муозий	Параллел (чизиқ)	Мувозий (чизиқ)
Сайёра	Планета	Сайёра
—	План	Тарх, режа
Жумҳурият	Республика	Жумҳурият
Ҳарорат	Температура	Ҳарорат
Мадор	Тропик (чизиқ)	Мадор
Кура	Шар	Кура
Мадори Саратон	Шимолий тропик	Саратон мадори
Туширги	Шлюз	Тушурги
Яримкуралар харитаси	Яримшарлар картаси	Яримкуралар харитаси
Ўзбекистон Ижтимоий	Ўзбекистон Совет Социа-	Ўзбекистон Ижтимоий
Шўролар Жумҳурияти	листик Республикаси	Шўролар Жумҳурияти
Даражайи расатия	Ўртача температура	Ўртача ҳарорат
Сабоқ тузуги	Ўқув программаси	Ўқув дастури
Кўрфаз	Қўлтиқ	Қўлтиқ, кўрфаз

ЖЎҒРОФИЯ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИГА ОИД АТАМАЛАР

Анкета	Сўров варақаси	Программа	Дастур, тузук
Ведомость	Қайднома	Пропедевтик	Таянч билимлар
Витрина	Кўргазма	Репититр	Мукаррир
География кабинети	Жўғрофия ўқув хонаси	Секунд	Сония
Иллюстрация	Тасвир	Синтез	Таркиб, умумлаштириш
Календарь	Тақвим	Синф доскаси	Синф тахтаси
Классификация	Тансиф	Совет	Шўро, кенгаш
Компонент	Унсур	Справочник	Маълумотнома
Лекция	Ваъз, маъруза	Статистика	Миқдорий маълумотлар
Модель	Нусха	Тезис	Қисқача мазмун
Отдел	Бўлим, шўъба	Характеристика	Тавсиф, тавсифнома
Папка	Жуздон	Хрестоматика	Терма китоб
Параграф	Банд	Экскурсия	Сайр
Печатний лист	Табоқ	Экскурсовод	Сайрбон
План	Тарх, режа	Экспедиция	Илмий сафар
Принцип	Асосий қонун-қоида	Эстетика	Нафосат
Предмет	Ўқув фани	Ўқув программаси	Ўқув дастури, сабоқ тузуги
		Ўқув экскурсияси	Ўқув сайри

Хорижидан хабарлар

Америка бутун борлигича

Том КЛЕНСИ:

БИЗНИНГ ЁВГАРЧИЛИГИМИЗ КАТТА БЕМАЪНИЛИК ЭКАН

Ёзувчи Том КЛЭНСИ — миллионер, ҳозирги Американинг энг таниқли ва омадли адабиётчиларидан бири. Унинг китоблари бизда нашр этилмаган. Лекин кўп қарғишларга дучор бўлган. Сабаби Клэнсининг романларида ҳамиша шўроларнинг АҚШга қарши «кирдикор»ларини учратиш мумкин эди. Ҳамиша бизнинг мамлакатимизга ишониб бўлмаслиги, фақат зарба бериш мумкинлиги ҳақида фикр юритиларди.

«Қизил Октябрь»ни овлаш», «Қизил ишғол», «Кремль Кардинали» — бу китоблар бизда Том Клэнси шаънига «совуқ уруш суворийси», «Пентагон хиргойичиси» каби ном бичилишига олиб келди. У ўзини консерватор деб ҳисоблайди. Унинг дўстлари орасида мудофаа вазири Ричард Чейни ва МРБ директори Уильям Уэбстерлар ҳам бор. Вақт ўзгараверади. Америка ва Россия ёвгарчилиги орасида яшаган киши эса энди СССРнинг АҚШ билан яхши муносабатлар ўрнатишга уринаётганлиги самимий эканлигига ишонади ва бизга ёрдам кўрсатиш зарурлиги ҳақида гапиради. Том Клэнсининг «Известия» учун махсус тайёрланган мақоласи ана шулар тўғрисида.

Унинг ёвгарчилик ва ишончсизликни «қўзғатувчи» китоблари-чи! Бу китоблар нима бўлади! Аммо биринчидан, бизда ҳам АҚШнинг «кирдикор»лари тўғрисида кам ёзилмаган, иккинчидан, китобларнинг ўзи эмас, балки ҳаракатлар, аниқ воқеликлар ишончсизлик муҳитини юзага келтиради. Лекин «Сторожевой»— шўро ҳарбий кемасида бўлган аниқ ғалаённи Том Клэнси, ўзининг шов-шувларга сабаб бўлган «Қизил Октябрь»ни овлаш» китоби воқеликларига асос қилиб олди. Фақат бу йилгина биз ўша воқеалар чиндан ҳам рўй берганлигини тан олдик. («Известия», 59-сон, 1990 й.).

1984 йили мен унча катта бўлмаган суғурта даромадига эга эдим: 1.100 мижозга хизмат кўрсатардим. Асосан алоҳида оилаларга. Мен ёнғин ёки автоҳалокат юз берган ҳолатларда кишиларни пул билан боғлиқ барча қизиқишларини ҳимоя этардим. Бу жуда қизиқарли иш эди ва мени батамом қониқтирарди. Аммо мактаб партасидалигимдаёқ ёзувчи бўлишни орзу қилардим. Ўз номимни китобларнинг муқоваларида кўришга орзиқардим. Бу мен учун мангулик белгиси эди. Ва мен асосий ишимнинг зарари ҳисобига ёзиш билан шуғуллана бошладим. Ҳар куни кечқурун ёзув машинкани ишхонадан уйга, эрталаб яна ишхонага кўтариб юришга тўғри келди. Бу мен учун машаққатли эди. Китоб ёзиш анча оғир иш. Рафиқам ҳомиладор эди. Ўғлимиз Томи туғилиши керак эди ўшанда. Хотинимга уй-рўзғор ишларида жиддий ёрдамлашишим керак бўлиб қолди. Мен дам олиш кунисиз ишладим. Тун ярмига қадар ёзув столига «михлан»ган ҳолда ўтирардим. Бир томондан суғурта ишларим ҳам қолиб кетди.

Аммо мен ёзувчиликни кўпроқ орзу қилардим. Орзуларимнинг амалга ошиши анча кечикаётгандек туюлаверди. Китобни 1983 йилнинг 27 февралида ёзиб тугалладим. 1984 йилнинг октябрь ойида эса у нашрдан чиқди. Китобнинг биринчи нусхасини ўқиётганимда ҳали икки ёшга ҳам тўлмаган ўғлим Томи ёнимга келди-да, китоб муқовасидаги суратимни бармоқчалари билан пайпаслаб «Дадам» деди. Ана шу лаҳзада мен орзуимнинг рўёбга чиққанлигини англадим.

Биринчи китобимнинг бу даражада оммавийлашиб кетишини (ахир унда жинсий масалаларга заррача ўрин берилмаганди-да) сира кутмаган эдим. Бунинг устига айрим ҳолатлар кучи билан китоб мамлакатда катта қизиқиш билан қарши олинди. Ана шундай муваффақият туфайли ҳаётим сезиларли даражада ўзгарди. «Қизил Октябрь»дан сўнг бирин-кетин яна тўртта китобим ёруғлик юзини кўрди ва уларнинг ҳаммаси катта муваффақият қозонди. Хўш, бундан кейин ҳаётимда яна қандай ўзгаришлар рўй берди? Энг асосийси, бу тўртинчи фарзандим — Кэтининг туғилиши бўлди. Суғурта билан боғлиқ ҳаётни якунлаб, ёзувчиликка ўтганимдан кейин кўплаб мен учун янгича кишилар билан танишдим. Улар орасида ажойиб дўстларим пайдо бўлишди. Ҳаётим мобайнида сувга қараган уйим бўлишини орзу қилиб юрардим. Ҳозир эса худди ана шундай уйим бор.

«Қизил Октябрь»ни овлаш» романим ёзилган пайтлари дунё мутлақо ўзгача эди. Мен 1947 йили туғилганман. Ундан сал аввалроқ отам АҚШ ҳарбий-денгиз флоти хизматидан бўшаб қайтганди. Отамнинг тоғаси Микки савдо кемасининг дарғаси бўлганди. Уруш пайтида (Улуғ Ватан уруши. тарж.) уни немислар уч марта чўктиришган. Чунки у Мурманскка қурол-аслаҳа ташиш учун уринган эди. Аммо менинг туғилган пайтларимда ҳаммаси чаппасига ўзгарди: аввалги дўстлар энди рақибларга айланишди. Бутун ҳаётим давомида мен Россияни АҚШ учун ёвузлик манбаи деб билдим. Кубадаги ракета инқирозини ҳамон эслайман (ўшанда ўрта мактабнинг иккинчи синфида ўқирдим). Менинг икки дўстим Вьетнамда ҳалок бўлишди. Кенжа фарзандимнинг чўқинтирган отаси, қутқарувчи тайёрачи бўлмиш энг яқин дўстим Вьетнам осмонида уч марта ҳалокатга учради.

Руслар АҚШга ёвузлик манбаи деб қараётганликларига шубҳа қилмайман. Биз ватандошларингизнинг уруш ва тинчлик вақтларидаги машаққатлари ҳақида биламиз. Муаммоларга нисбатан тутган йўлларимиз шунчалик ҳар хил эдики, ҳатто бу бир-биримизни ўзаро тушунишга халал берди. Биз рақиблар эдик. Қатор ҳолатларда уруш чегарасигача бордик. Аммо нима учун? Мен тарих билан қизиқаман. Уруш жуда оддий машғулотдир. Давлат ўғрилик мақсадида уруш эълон қилади. Бегона уйга кирар экан, ўғри ўзига нима кераклигини билади. Ҳалол ишлаб топишга унинг бўйни ёр бермайди. 1941 йилда Олмония сизнинг мамлакатингизга бостириб кирди. Япония менинг Ватанимга ҳужум қилди. Ҳар икки ҳолатда ҳужумнинг сабаби битта — ўзга ҳудуд ва бойликларни эгаллаб олиш. Бу ҳар икки зўравон мамлакат ҳам мағлубиятга учради. Аммо улар устидан ғалаба жуда қимматга тушди.

Бизнинг мамлакатларимиз бир-бирларига рақиб — душман бўлишлари учун сабаб йўқ, деб ҳисоблайман. Шўро Иттифоқи беқиёс табиий бойликларга ҳамда дунёда энг катта ҳудудга эга. АҚШда ҳам деярли шундай имкониятлар бор. Шундай экан бир-биримиз ўртамиздаги тушунмовчилик, 45 йил давом этган бир-биримизга рақиблик туйғулари тарихий нуқтаи назардан қараганда сунъий, агар янада дангалроқ гапирадиган бўлсак, ғирт бемаънилик бўлди.

Америка учун бу рақиблик, шубҳасиз, марксизм-ленинизм таълимоти билан боғлиқ бўлди. Сизнинг мамлакатингиз 1917 йили қонли уруш ва нўноқ ҳокимиятни ағдаришда муқобил сифатида ўз йўлини танлади. Американиклар тараққиёт йўлида бирон-бир янгилик учун мардона синовга қўл урган халқни ҳамиша ҳурмат қилишади. Лекин сизларнинг тажрибангиз муваффақиятсиз чиққанлиги бизга анча бурун равшан эди. Биз нима учун уни ҳимоя қилишга зўр бераётганлигингизга ҳеч тушунолмадик. Биз бойликларга тўла, халқи эса нисбатан қашшоқ яшаган мамлакатни кўрдик. Америкаликлар нима учун бўлишидан қатъи назар, навбатларда туришни ёқтиришмайди. Ва улар нон учун навбатда турганлар суратини кўрганларида ҳеч тушуна олмадилар. Қандай қилиб шундай бўлиши мумкин? Агар навбатлар чиндан ҳам бор бўлса нима учун халқ буни ўзгартирмайди?

200 йил ичида биз аввал қақроқ ердан иборат бўлган майдонни дунёда энг бой мамлакатга айлантирдик. Сизларнинг ерингиз бизникига қараганда бойроқ эди. Ўшанда аҳолиси бор-йўғи бир неча миллиондан иборат бўлган, ўз маданиятига эга бўлмаган Америкадан фарқли ўлароқ, сизлар катта инсоний манбаларга эгасиз. Мамлакатингиз ривожланган адабиёт, санъат, фанга эга.

Сизлар ўз мамлакатингизда орзуингизни рўёбга чиқаришга имкон туғдира оладиган воситаларга эгасиз. Асосийси — шуни англамоғингиз лозимки, орзуларингизни ўзингизгина амалга оширишингиз мумкин.

(«Известия», 1990 йил 26 август сонидан).

ТИРАНА. Шарқий Оврўпадаги сиёсий ўзгаришлар кейинги вақтларда ташқи дунёдан узилиб қолган Албанияда ҳам ўз аксини топмоқда. Бу ерда фирқа лидери — Алия яқинда Албания фуқароларининг турмуш шароитларини яхшилайдиган, ҳатто уларга чет элларга кетишдек назарий ҳуқуқлар берадиган қатор реформалар ўтказилишига қарамай, барибир «портлаш» юз берди.

4500 нафар албаниялик фуқаролар Тиранадаги РФЖ, Италия, Франция ва бошқа ғарбий мамлакатларнинг ваколатхоналарига келишди. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Албания ҳукумати билан қочоқларнинг мамлакатдан чиқиб кетишлари тўғрисида музокара олиб бормагунга қадар ваколатхоналар олдидан кетмадилар.

Бугунга қадар минглаб албанияликлар ўз юртларини тарк этишди. Бу ҳолат ҳамон давом этмоқда.



СУРАТДА: ГФЖдан сиёсий бошпана топган албаниялик қочоқлар.

КАМЕРА ПРЕСС — СИТА сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЖОНЛИ НЎХОТЛАР

● МАРОКАШНИНГ Эл-жадид шаҳридаги бозорлардан бирида ғаройиб нарса сотилди. Уни харидорлар, айниқса, бошқа мамлакатдан келган саёҳатчилар нархи жуда қиммат бўлишига қарамасдан, бир зумда талаб кетишди. Бу ўзи думалайдиган нўхот эди. Қизиғи шундаки, қуёш нурида тез, салқинда эса секин думаларди. Сотувчи ҳам нўхотларини тинмай мақтаб, одамларни ишонтирарди. Лекин бир кун ўтгач, харидорлар чув тушишганини сезишди, чунки сотиб олган нўхотлари ҳаракатланмай қўйди.

Пулларини қайтариб олишмоқчи бўлишувди, бахтга қарши сотувчини топишолмади.

Кейин маълум бўлишича, сотувчи ҳар бир нўхотнинг ичини ўйиб ичига «дайди» чумолини солиб, нўхотни яна елимлаб қўйиган экан. Чумоли тинмай ҳаракат қилиши учун эса уни асабийлаштирадиган суюқлик билан намлаб қўйиган экан, деб хабар беради Ғарбий Германиянинг «Унзере цайт» рўзномаси.

СУДСИЗ БЎЛИБ ОЛИШАДИГАН БЎЛИШДИ

● АМЕРИКАЛИК марҳум миллионер Харри Девиснинг икки беваси ва ниҳоят судлашишни бас қилишди. Улар Девисдан қолган 10 миллион сўмлик меросни тинч йўл билан бўлиб олишмоқчи.

Девис бундан 2 йил муқаддам 76 ёшда қазо қилган эди. Шу пайтгача унинг икки хотини бир-бирини таниш у ёқда турсин, ҳатто кундошим бор, деб ўйлашмаганди ҳам.

28 йил мобайнида (шунча йил икки бева бир-бирини билмаган) Харри Флорида билан Алабам ўртасида бўзчининг мокисидек қатнаган, чунки хотинлари бир-биридан узоқда яшаган. Бирисига бир ҳафта Калхунда (Жоржия штати) бизнес билан машғул бўлишини айтиб, уйдан чиқиб кетса (ҳақиқатан ҳам у ерда катта ери бор), иккинчисига янги Орлеанда дам олиб келишини айтиб кетган ҳар доим.

Девиснинг ўлимидан сўнггина икки кундош танишишди ва аввалига мерос талашиб судлашишди, сўнг эса аҳиллик билан иш тутишга ўтишди. Чунки икки бева ҳам Девисдан икки нафардан фарзанд орттиришган эди.

ДАННИНИНГ ҚУВОНЧИ

● АМЕРИКАЛИК Данни Гинсберг Намибияга ташриф буюрганидан жуда хурсанд. Чунки бу ердан 50 килограмм ҳар хил темир қопқоқлар билан уйига қайтди. Бу билан ўзининг коллекциясини янада бойитди.

Жанубий Калифорния дорилфунуни толибининг коллекцияси ҳозирга келиб 34,5 минг турдаги қопқоқни ташкил этади. Бу қопқоқлар 147 мамлакатдан келтирилган.

ТУМАН СОТУВЧИСИ

● ЯПОНИЯДАГИ Хоккайдо оролида истиқомат қилувчи савдогар ишбилармон чиқиб қолди. У Масю кўлидан олинган туманни шиша банкаларга жойлаб, савдога олиб чиқди. Бу кўл суви жаҳондаги энг тоза сувлардан бири ҳисобланади. Шиша идишлардаги туман 300 иендан пулланмоқда. Бу 1 литр пивонинг пулига тенгдир.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТЕРГОВ СИНАШ МАЙДОНИ ЭМАС

1

Азиз муштарий! Эдингизда бўлса керак, рўзномамизнинг шу йил 4 январь сонида босилган «ОСМОН ЙИРОҚ, ЕР ҚАТТИҚ» сарлавҳали мақоламизда жумҳурият ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари раҳбарлари билан қатор мусоҳабалар ўтказишни ваъда қилган эдик. Биринчи суҳбатдошимиз Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлигининг кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ички хизмат майори Шавкат Мавлонович МАВЛОНОВ бўлганди. Шундан сўнг сиз муштарийларимиздан кўплаб мактублар олдик. Ана шу мактубларингиз асосида жумҳуриятимиз [собиқ] прокурори, [ҳозирда Украина ССР прокурорининг ўринбосари] Дмитрий Александрович УСАТОВга мурожаат қилдик. Суҳбатимиз «ИНСОН ТАҚДИРИ МУҚАДДАС» сарлавҳаси билан рўзномамизнинг 3 март сонида эълон қилинди. Кўп ўтмай Ўзбекистон ССР Олий Судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси Улуғбек Иброҳимович НАБИЕВ билан ўтказган мусоҳабамиз «ҲУКМ ОҒИР ЭДИ» сарлавҳаси остида 24 апрелда эътиборингизга ҳавола этилди. Унда Фарғона фожиалари билан боғлиқ бир жиноий иш тафсилоти баён этилганди.

Бизнинг бу мусоҳабаларимиз сиз азиз муштарийлар олдида ўзига хос ҳисобот шаклини олаётир. Бу галги суҳбатимизни жумҳуриятимиз Олий суди раиси Муҳаммад-Бобир Мажидович МАЛИКОВ ва раиснинг биринчи ўринбосари Абдусамад Абдуҳамидович ПОЛВОН-ЗОДА билан ўтказишга қарор қилдик. Суҳбатимиз мавзуини сиз йўллаган мактублар, шикоят ва арзномалар белгилаб берди.

— Бобир ака! Турли матбуотларда ўнлаб мақолалар, суҳбатлар эълон қилинаётган бўлса-да, «Пахта иши» ва «Фарғона фожиаси» деб аталмиш мавзунинг муҳокамасига қизиқиш сусаймаётир. «Пахта иши» ҳам «Фарғона фожиаси», Бўка, Паркент ва Андижон воқеалари ҳаётимизда чуқур из қолдирди. Уларнинг ўрни аста-секин битиб борса-да, барибир ёмон ярадек чандиқ қолдириб келаётир. Бунда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг ҳам улуши бор эмасмикан!

— Яхши жарроҳ ярани кесмасдан даволайди. Нўноғи эса ярани даволаш у ёқда турсин, беморнинг уволига қолади. Ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам худди ана шу жарроҳлар каби ҳар хил. Ҳамма гап малакада, дардга қўйилган тўғри муолажада. Ҳуқуқ ҳимоячиси ҳам жиноятга баҳо бераётганда худди шифокордек ўткир зеҳнга, чуқур билимга, бой тажрибага, беғубор қалбга эга бўлмоғи керак. Акс ҳолда биз «жиноятчи», деб ҳисоблаган инсон олдида гуноҳкор бўлиб қоламиз.

Одамлар қадр-қимматини, унинг ор-номусини, эркини топтаётганлар номини не сўз билан аташга ҳайронсан киши. Тергов органлари ва суд ходимларининг қилган қонунга зид ишларидан ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Қанчалаб кишиларни бадном қилишди, саломатлигига, ҳатто айримларининг умрларига зомин бўлишди.

Ҳозир рақамларни ёки исм-шарифларни қалаштириб ташлаган билан муштарийлар талабини қондиролмаймиз. Шу боис уларда чуқуроқ тасаввур қолдириш учун ана шундай бадном этилган, қадр-қимматини топталган, азоб-уқубатлардан омон чиққан кишилардан айримларини мисол келтираман.

1989 йил сентябрь ойида Олий суд Хоразм вилояти Боғот ва Қўшкўпир ноҳиялари фирқа қўмиталари котиби бўлиб ишлаган кезлари (1970-1985 йиллар) ўзига бўйсунувчи ходимлардан кўп миқдорда пора олганликда ва юқори раҳбарларга пора берганликда айбланган Матчон ВОИСОВнинг жиноят ишини кўриб чиқди. Суд жараёнида шу нарса маълум бўлдики, СССР прокуратурасининг терговчиси М. Воисовнинг турмуш ўртоғи Пошша МАТЧОНОВАни гумондор сифатида қамоққа олган. Қонун бўйича «гумондор», деб топилган ва ушланган шахс ҳақида 24 соат ичида ёзма равишда прокурорга ва унинг оиласига хабар қилиш шарт эканлиги алоҳида кўрсатилган. Афсуски, терговчилар, шу жумладан ҳозир ҳаммага танилган Н. В. Иванов Совет қонунларига зид иш тутиб, бу талабларни бажармаган. Пошша Матчонова ни ҳеч қандай сабабсиз қамоқда 9 ой ушлаган.

Пошша Матчонованинг шахсига эътибор беринг: 1938 йилда туғилган, уй бекаси, ўн нафар фарзанди бор. Шундан беш нафари вояга етмаган. «Қаҳрамон она».

Ҳам отаси, ҳам онаси қамалиб изтиробда қолган гўдаклар аҳволини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-чи! Бундан ортиқ даҳшат борми? Ночор қолган она қалби-чи?

Энди бошқа бир қарама-қаршилик:

Қўшиб ёзиш ишларини ташкиллаштирган, одамларни шу ишга мажбурлаган, «операция»га қўшилмаганларни жазолаган ва ҳатто куч ишлатишдан қайтмаган раҳбарларнинг кўпчилиги эса осонгина қутилиб кетишган. Қашқадарё вилояти фирқа қўмитасининг иккинчи котиби И. И. ГОЛОВАЧЁВ хўжалик раҳбарларини террор қилиб, пахтани сотиб олишга мажбурлаган. Бундай «операция»да қатнашишни рад этган «Коммунизм» жамоа хўжалиги раиси Эшматова «партиядан ўчираман, сени қаматтираман», дея дўқ уриб, ноҳия фирқа қўмитаси бюросида қаттиқ огоҳлантириш берган. Натижада у хўжалик кассасидан пул олиб, пахта заводи ходимларига беришга ва шу пул эвазига заводдан «1283 тонна пахта қабул қилиб олганлиги ҳақида» квитанция ёздириб олишга мажбур бўлган. Шу тариқа товарсиз «операция» юзага келган. Эшматов шу содир этган жинояти учун 7 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Головачёв эса Шаҳрисабз ноҳиясидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги раиси Б. Сувоновни «қўшиб ёзмагани учун» ҳиқилдоғидан бўғиб, уриб, ҳақоратлашдан ҳам қайтмади. Шундан сўнг Б. Сувонов хўжалик кассасидан олган 180 минг сўм пулга пахта заводи классификатори орқали пахта сотиб олди ва ўн йилга озодликдан маҳрум этилди. Лекин бу жиноятларни ташкил этган одамлар эса бир кун ҳам қамоқда ўтиришмади.

— Бундай ҳуқуқшуносларга ҳам қонуний чора бордир!

— Тергов одамлар тақдирини топташ, қадр-қимматини ерга уриш, қонуний ҳуқуқларини поймол қилиш, унинг саломатлигига зиён етказиш учун имкон бермаслиги керак. Терговчиларга бундай ҳуқуқ берилмаган. Ўзбекистондаги талай ишларни тергов қилган СССР Прокуратураси ва жумҳуриятимиз тергов органларининг баъзи ходимлари терговни синаш майдонига айлантириб юбордилар. Биз қатъий қилиб айтамиз: «Тергов синаш майдони эмас!» Балки у ақл-идрок билан, чуқур билим, бой тажриба, миллатни ҳурмат қилиш ва инсонпарварлик билан олиб бориладиган санъатдир. Афсуски, уларда бу хислатлар кўринмайди.

П. МАТЧОНОВА ишида талай қонунга зид хатти-ҳаракатлар содир этган терговчиларга жиноий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон ССР Олий суди СССР Бош прокурори номига хусусий ажрим чиқарганди. Яқинда шу ажримга СССР Бош прокурори ўринбосари 1-класс давлат адлия маслаҳатчиси В. И. КРАВЦЕВ имзоси билан қуйидаги мазмунда жавоб олдик:

«Ўзбекистон ССР Олий судининг М. Воисов иши юзасидан чиқарган хусусий ажримида терговчилар Н. В. Иванов, А. И. Карташян, А. А. Ҳусаинов, П. М. Мавлонов, С. Дадажонов, Б. Абдураҳимов ва З. Д. Старковаларнинг дастлабки тергов жараёнида қонунни қўпол равишда бузганликлари ҳақидаги фактлар СССР Бош прокурорига хабар қилинди.

Тергов қисмида ишларни кўриб чиқиш устидан прокурор назоратини кучайтириш мақсадида СССР Бош прокурори ўрток А. Я. Сухарев томонидан махсус бўлим тузилган.

2

Унинг фаолияти мазкур ҳолларни олдини олишга қаратилган.

Бундан ташқари Т. Х. Гдлян раҳбарлигидаги гуруҳнинг айрим терговчилари томонидан тергов олиб боришда таъқиқланган усулларни қўллаш ҳозирги вақтда мазкур воқеалар юзасидан қўзғатилган жиноий иш бўйича текширишга асос эканлигини маълум қиламиз», — дейилади жавобда.

— Редакциямизга судлар устидан ёзилган, айниқса шу «пахта масаласи» бўйича жазога ҳукм этилганлардан ва уларнинг қариндош-уруғларидан олинаётган шикоят хатларининг кети узилмаётир. Улар жиноий ишларни судларда кўришда социал адолат принциплари бузилганлиги ҳақида куйиниб ёзишмоқда. «Пахта масаласи»нинг қайта кўриб чиқилаётганлиги бунинг исботи эмасми!

— Бу гапда жон бор. 1984 ва 1989 йиллар мобайнида 5 мингга яқин шахс судланган. Уларга нисбатан қўзғатилган 800 га яқин жиноий иш жумҳуриятимиз қуйи судларида кўриб чиқилган. Биринчи инстанция судларида кўришда анча хатоликларга йўл қўйилган. Жумладан, судлар баъзи ҳолларда хизмат юзасидан бўйсунган раҳбарларнинг қонунсиз топшириқларини бажариб, ўзлари учун ҳеч қандай пул ўзлаштирмаган ва бирор моддий манфаат кўрмаган кишиларга ҳам кўп миқдорда пул ўзлаштирган шахслар ва раҳбарлар билан баробар жазо тайинлаганлар.

Олий судда 2594 кишининг жиноят иши кассация ва назорат тартибида кўриб чиқилди. 1168 кишига тайинланган жазолар енгиллаштирилди. Кўпчилиги қамоқдан озод қилинди ёки халқ хўжалиги қурилишларига ишга юборилди. Жумҳурият Олий Шўроси Президиумига судланган 436 нафар кишини авф этиш ҳақидаги тақдимномалар киритилди. Яқинда жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида кўриб чиқилган жиноий иш бўйича 13 кишига нисбатан илгари чиқарилган суд ҳукмлари бекор қилиниб, уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмагани учун бу ишлар ётқизилди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриш жараёнида пахта ишлари бўйича расмий равишда эълон қилинган талон-тарожлар натижасида келтирилган моддий зарар миқдорининг тўғрилигига ҳам жиддий шубҳалар туғилди. Бундан ташқари манфаат кўрмаган шахслардан суд ҳукми билан ундириб олинган зарар суммаларидан уларни озод этиш масаласини ҳам муҳокама қилиш учун Ўзбекистон ССР Олий Шўроси Президиуми ҳузурида тузилган махсус комиссияга тақдим этилди. Барча пахта ишлари чақириб олиниб қайтадан кўриб чиқилмоқда.

— Бобир ака, маълумки, шу қўшиб ёзиш туфайли давлатга келтирилган зарар хўжаликлардан қайтариб олинди. Биргина Қоракўл ноҳияси жамоа хўжаликларидан 1981—1982 ва 1983 йиллардаги қўшиб ёзишлар учун 3 миллион сўмга яқин пул давлатга қайтарилди. Масалан, М. Горький номли жамоа хўжалиги суд ҳукмига кўра давлатга 848 минг сўм пул тўлаган. Бу пул 1987 йилда халқ етиштирган ва сув текинга сотилган пахтанинг ҳисобидан берилди. Бу билан нимага эришилди! Хўжаликларда аҳвол оғир. Мактаблар бундан 60 йил бурун қурилган, йўллар лой, кўчалар чанг, ичимлик сувлари танқис. Пахтакорнинг куни ёвғонга қолди. Бегуноҳ халқ нима қилиши керак! Эҳтимол тортиб олинган пуллар хўжаликларнинг ўзига қайтарилиши керакдир. Одамлар бола-чақалари ризқидан қийиб, давлатга ўтказаётган пулдан ким наф кўриши мумкин! Балки бу масала ҳам жумҳуриятимиз миқёсида кўриб чиқилар!

— Бу ҳақда яхшиси Абдусамад Абдуҳамидович гапириб берсинлар. Чунки улар бевосита пахта иши бўйича комиссия раисига ўринбосарлик қиладилар.

— Марҳамат.

— Пахта тайёрлаш соҳасидаги суиистеъмолликлар натижасида кўрилган моддий зарар ва йўл қўйилган талон-тарожнинг расман эълон қилинган ҳажми жиддий шубҳа туғдиради. Масалан, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида зарар ҳажми 6 миллиард сўм, деб кўрсатилган бўлса, Москвадаги турли митингларда ўнлаб миллиардга тенг деган фикрлар айтилди. СССР Халқ депутатлари съездининг комиссияси СССР Прокуратураси маълумотларига таяниб, тайёрланган ҳужжатнинг бирида «Пахта ишлари» бўйича беш миллиард сўм ўмарилганлиги таъкидланса, иккинчисида 2-4 миллиард сўм, деб кўрсатилган. Ҳақиқий аҳволни аниқлаш учун барча пахта ишлари талаб қилиб олинди ва ўрганиб чиқилмоқда. Ҳозиргача комиссия аниқлаган далилларга асосланиб, ўзлаштирилган пул миқдори ҳатто **юз миллион сўмга ҳам етмаслигини** аниқ айтиш мумкин.


Яна шу нарса аниқландики, пахтачиликда етказилган зарар ва талон-тарож миқдорини белгилашда тахминларга таянилган ва афсуски, бу миқдор бир неча баробар ошириб ҳисобланган. Жамоа хўжалиги ва давлат хўжаликлари кассаларидан олиниб, пахта заводи ходимларига берилган пул маблағлари ҳам талон-тарож суммасига асоссиз равишда қўшиб юборилган. Бу пул маблағлари ўз навбатида камомадни ёпиш мақсадида ноҳия маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, тўқимачилик корхоналари ва бошқаларга ўтказилган. Охир-оқибатда бу пуллар аксарият ҳолларда гўёки, «сотилган» моллар ҳисобига давлат банкига топширилган. Бу — қўшиб ёзиш ва товарсиз операциялар ўтказилганлигидан сўзсиз далолат беради. Бироқ, бу пуллар талон-тарож суммасига асоссиз қўшилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки, қонуннинг туб маъноси талон-тарож — давлат ёки жамоат мулкининг айбдор томонидан ноқонуний, қайтармаслик шарти билан олиниб, ўз фойдасига ўзлаштирилишини назарда тутади. Кўрсатилган ҳолларда эса пуллар давлат банкига қайта топширилган ва ўз моҳиятига кўра давлатдан тортиб олинган эмас.

Масалан, Ўзбекистон ССР Олий судининг 1986 йил 26 июндаги ҳукмига кўра Шаҳрисабз ноҳияси фирқа қўмитасининг биринчи котиби Ҳ. Холиқов ва пахта заводи директори С. Жўраев отишга ҳукм этилган. Ҳ. Холиқов жумладан, С. Жўраев билан биргаликда 2 миллион 441 минг сўм, С. Жўраев эса Ҳ. Холиқов ва бошқалар билан биргаликда давлат ва жамоа хўжаликлари вакилларидан пахтага қўшиб ёзиш учун пора сифатида 4 миллион 651 минг сўм олганликда айбланган.

Айни вақтда дастлабки маълумотларга қараганда кўрсатилган 4 миллион 651 минг сўмдан 3 миллион 100 минг сўми Серпухово, Кутаиси, Боку, Орехово-Зуево, Фарғона шаҳарлари, Китоб, Калинин, Чироқчи, Шаҳрисабз ноҳиялари тўқимачилик корхоналари ходимларига берилган. Бу пулларнинг кейинги ҳаракатини аниқлаш керак. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, бу ҳолат судланганларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш, етказилган моддий зарарни ҳисоблаш, жазони тўғри белгилаш ва ҳоказоларда муҳим аҳамият касб этади. Товарсиз операциялар ўтказилган Шаҳрисабз, Чироқчи ва Китоб ноҳиялари пахта цехларидан гўё «сотилган» моллар ҳисобига давлат банкига ўтказилган 411 минг сўмни Ҳ. Холиқов, С. Жўраев ва пора берувчиларнинг айбловидан чиқариб ташлаш керак.

Юқоридагиларга кўра, биз СССР Олий суди раиси Е. А. Смоленцев ва СССР Бош прокурори А. Я. Сухарев ўртоқларга жумҳуриятдан ташқарида кўриб чиқилган барча жиноят ишларини ўрганиб чиқишда кўмаклашишларини сўраб мурожаат қилдик. Холиқов ва Жўраевнинг ишини назорат тартибида кўриб чиқиб, фавқулодда жазо чорасини 15 йил озодликдан маҳрум этишга алмаштирган СССР Олий Суди ҳам, афсуски, талон-тарож ва пора ҳажмларини сезиларли камайтирилишига сўзсиз асос бўлган юқоридаги ҳолатларга эътибор бермаган.

Қашқадарё вилоят судининг 1985 йил 18 ноябридаги ҳукмига биноан Нишон пахта заводи ходимлари П. Худойбердиев ва бошқалар давлат хўжаликлари хизматчиларидан пахтага қўшиб ёзиш учун 3 миллион 768 минг сўм пора олганликда айбдор, деб топилганлар. Аслида эса, шу 3 миллион 768 минг сўмдан 3



миллион 339 минг сўми ноҳия маиший хизмат кўрсатиш комбинатларига камомадни ёпиш учун берилган. Кейинчалик бу пулларнинг кўпчилик қисми гўёки «сотилган» моллар пули сифатида давлат банкига ўтказилган.

Ана шундай қўпол хатоларга яна талай бошқа ишларда ҳам йўл қўйилган.

Пахтачиликда йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолларини юзага келтирувчи шарт-шароитларни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, булар марказлаштирилган қатъий планлаштириш натижасидир. Бу планлаштириш на жумҳуриятнинг реал имкониятларини, на пахта толасига бўлган ҳақиқий эҳтиёжни ҳисобга олган ва на иқтисодий заминга эга бўлган. Шу туфайли ҳам хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик услубига ружу қилинган, «план — қонун» каби шиорлар асосида иш олиб борилган. Кўплаб фирқа, хўжалик раҳбарлари мутлақо бажариб бўлмайдиган, айниқса, оғир об-ҳаво шароитларида ҳам бажариш имконияти бўлмаган юқоридан туширилган кундалик пахта териш графигининг бажарилишини талаб қилишга мажбур бўлганлар. Шунинг учун ҳар қандай тушунтириш партиявий ёки бошқа жазо йўллари билан рад этилган, ҳар куни фирқа ташкилотларининг тунги бюро ўтказиш «тажрибаси» қўлланилган.

Пахтачилик соҳасида содир этилган жиноят ишларини кўриб чиқишда жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг илдизлари чуқур ўрганилмаган. Ўша даврдаги бу жиноятлар жумҳуриятимиз ички имкониятларини мутлақо эътиборга олмай ва унинг ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотидан иқтисодий манфаатдор бўлмай туриб, ўта марказлашган планлаштириш оқибатида содир этилган.

Олий суд ўзи учун пул ўзлаштирмаган кўпчилик судланганларнинг иш ҳақларидан ундирилаётган 50 фоизлик ҳақ ундиришни тўхтатиб қўйди. Бундан ташқари барча судлар томонидан чиқарилган ҳукмлар бўйича хўжаликлардан пахта тозалаш заводлари фойдасига ундирилаётган катта миқдордаги пуллар ундиришни ҳам тўхтатиб қўйди.

Ҳозирги кунда судлар давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг ўша даврда тазйиқ ўтказишлари орқали жиноят содир этишда мажбуран қатнашган кишиларга тааллуқли ҳар бир фактларга аниқ ҳолатлардан келиб чиқиб, ҳуқуқий баҳо беришга мажбурдирлар. Бунда раҳбарларнинг жинояткорона талабларини бажармаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари қандай хавф остида қолиши мумкинлигини рўй-рост аниқлаш лозим бўлади.

Мабодо шахс ўзининг ҳамда қариндош-уруғларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига хавф солувчи хатарни бартараф этиш мақсадида ўз гарданига қўйилган шартларни мажбуран бажариб, бошқа воситалар билан хатти-ҳаракат қила олмаслиги аниқланган тақдирда унинг томонидан етказилган зарар хавфнинг олдини олишга қараганда бирмунча кам, деб ҳисобланиши лозим. Бундай ҳолда кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатлар жиноий жазога лойиқ эканлиги расмий жиҳатдан эътироф этилса-да, бу ҳаракатлар ўша даврда энг охирги заруратдан келиб чиқиб содир этилган хатти-ҳаракатлар, деб баҳоланиши керак. Бу — ижтимоий қадрият, инсоннинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинлиги жамиятни демократиялаш, ҳуқуқий давлат шароитида биринчи даражали аҳамият касб этишлигини назарда тутади.

— Бобир ака, пахта масаласидан ҳам анча оғир бўлган «Фарғона фожиалари»нинг тагига етиш осон бўлмаса керак, айниқса адолатни, ҳақиқатни аниқлашда сизларга матонат керак бўлади. Чунки қотиллик, талончилик бунинг устига ўт қўйиб, вайрон қилишлар юз берди. Оломон орасидан ҳақиқий қотилни, ҳақиқий жиноятчини топиб олиш тергов органларига ҳам машаққатли. Шундай бўлса-да, жуда кўп жиноий ишлар судга чиқарилди. Бироқ рўзнома почтасига келаётган шикоят хатларида айрим судларда иш адолатли кўрилмаётганлиги, бунинг устига оломон орасида бўлган бегуноҳларга ҳам оғир чоралар белгиланаётганлиги ҳақида ёзилаётир.

— Фарғона фожиалари билан боғлиқ бўлган ишларга алоҳида эътибор берилиб, Олий судда бу ишларни биринчи инстанция кассация ва назорат тартибида кўриш вақтида ҳукмларни қонунга мувофиқлиги чуқур текширилади ва текширилмоқда.

Тергов органлари томонидан «Фарғона фожиалари» бўйича 205 та жиноий ишлар қўзғатилиб, 392 киши айбланган. Шундан 176 та жиноий ишларнинг тергови тамомланиб, 359 кишининг иши судларда кўриш учун юборилган. Ўзбекистон ССР Олий суди 85 кишига нисбатан 15 та кўп кишилик анча мураккаб бўлган ишларни биринчи инстанция тартибида кўриб чиқиш учун ўзига қабул қилиб олди. Ҳозиргача 13 та жиноят иши кўрилди. 9 та жиноят иши бўйича 47 кишига нисбатан айблов ҳукми чиқарилди. 20 кишига нисбатан қўзғатилган 4 та жиноят иши қўшимча терговга қайтарилди.

Тошкент вилоят судига 22 кишига нисбатан қўзғатилган 9 та жиноий иш бўйича 9 кишига нисбатан айблов ҳукми чиқарилди. 13 кишига нисбатан қўзғатилган 2 та иш қўшимча терговга қайтарилган. Тошкент шаҳар судига юборилган 10 кишига нисбатан қўзғатилган 6 та жиноят иши бўйича 2 кишига нисбатан айблов ҳукми чиқарилган, 8 кишига нисбатан қўзғатилган жиноий иш қўшимча терговга жўнатилган. Бошқа вилоят судларида ҳам худди шунга ўхшаш аҳвол. Бу ҳолатлар тергов органлари ходимларининг жиноят ишларини малакали олиб бормаётганлигидан гувоҳлик беради.

Фарғона фожиаларининг келиб чиқишига ўзбек ёки месхети турклари ва ёки шу ҳудудда яшаб турган бошқа миллат вакилини аниқ айбдор дейишга ҳозирча асос йўқ. Мана салкам икки йилга яқин суриштирув ва тергов ишлари олиб борилмоқда. Аниқ жиноятлари учун миллатидан қатъи назар ўнлаб кишилар жиноий жавобгарликка тортилаётир. Бироқ, Фарғонадан кейинги Душанбе, Бўка, Паркент ва сўнггиси ҳамда энг даҳшатлиси Ўшда содир этилган бу фожиаларга сиёсий баҳо бериш керак. Бу воқеалар замирига диққат билан эътибор қилинса, улар бир сценарий асосида ташкил этилаётганлигига шубҳа қолмайди. Миллатлар орасига нифоқ солиб, қирғин баротлик келтириб чиқараётганларни топиб, жиноий жавобгарликка тортиш тергов органлари ва суд ходимлари зиммасида турган энг муҳим вазифадир. Шундан бошқа йўл йўқ.

Яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, марказий матбуот ва жумҳуриятимиздаги айрим расмий ва норасмий рўзномаларда ҳам далил ва воқеаларга шошма-шошарлик, бирёқламалик билан баҳо берилиши оқибатида миллий низолар янада кучаймоқда. Одамлар орасида миш-мишлар тарқалмоқда, халқ безовта бўлаётир. Шуни эътироф этиш кераки, фожиавий воқеаларга ҳали ҳуқуқни ҳимоя этиш органлари ходимлари аниқ баҳо бермасдан туриб, уларни хоҳ жумҳурият, хоҳ марказий матбуот саҳифаларига олиб чиқишга чек қўйиш зарур. Устига-устак бундай воқеаларга ҳуқуқшунослик маълумотига ёки тажрибасига эга бўлмаган

3

мухбирларнинг баҳо беришлари вазиятни янада чигаллаштириб юбормоқда. Бу масалани жиддийроқ ўйлаб кўриш лозим.

— Олий суд ҳайъати ва унинг аъзолари янги кадрлар билан алмаштирилди. Бу жараён вилоят ва музофот судларида ҳам юз берди. Ўз бурчларини ҳалол бажармай судья, деган шарафли номга доғ туширганларнинг аҳволи аниқ. Аммо Олий суд уларнинг ўрнига ТошДДнинг ҳуқуқшунослик куллиётини битириб чиқаётган ёш талантли кадрлардан танлаб олишга қандай муносабат билдиради!

— Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида Олий суд ҳайъати бир неча янги кадрлар билан тўлдирилди. Бу лавозимга номуносиблари сайланмай қолдилар. Шунингдек, кўп йил ҳалол ишлаган аммо ёшлари анча улғайиб, соғлиқлари заифлашган судьялар ўзларининг илтимосларига кўра навбатдаги муддатга сайлаш учун тақдим этилмадилар. Олий суд жумҳуриятнинг энг юқори суд органи бўлиб бу жойда катта юридик билим ва ҳаётий касбкори бўйича амалий тажрибага эга бўлган, оғир ва мураккаб гражданлик ва жиноий ишларни кўриб адолат юзасидан қонуний ҳал қилишга қодир бўлган юқори малакали судьялар ишламоғи керак.

Шунингдек, СССР Олий Шўроси томонидан 1989 йил 4 августда қабул қилинган «СССРда судьяларнинг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси 2-бандига мувофиқ олий ҳуқуқшунослик маълумотига ва ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича камида 5 йиллик стажга, шу жумладан одатда судья сифатида камида икки йиллик стажга эга бўлган СССР фуқаролари юқори судларнинг судьялари этиб сайланиши мумкин. Малакали ёш ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашда бир муҳим муаммони ҳал этиш зарур:

Ўзбекистон ССРда мустақил ҳуқуқий давлатни шакллантириш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, етук ёш ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш кўп жиҳатдан ҳуқуқий фанлар ва таълимнинг аҳволига, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятига, ҳуқуқий жамоатчиликка боғлиқдир. Сўнгги 40 йилда жумҳуриятда юқори малакали ҳуқуқшунослар тайёрлашга етарли эътибор берилмади. 1952 йилда Тошкент ҳуқуқшунослик институти тугатилди. У Свердловск, Харьков ва Саратовдаги мана шу хилдаги институтлар билан рақобат қилиб келарди. Бу ҳол ҳуқуқшунослар тайёрлашни миқдор жиҳатидан ҳам, шунингдек, сифат жиҳатидан ҳам пасайишига олиб келди. Биз ҳуқуқшунослар сони жиҳатидан мамлакатда охирги ўринни эгаллаймиз. СССРда ҳар ўн минг аҳолига 24 ҳуқуқшунос, Эстония ССРда — 38, бизда эса 12 нафар ҳуқуқшунос тўғри келади.

Қонунларга, қонунийликка ва ҳуқуқий касбларга менсимасдан муносабатда бўлиш ҳуқуқ-тартибот бузилишининг, ҳукумат вакилларининг, фуқароларнинг шаъни ва обрў-эътиборини камситиш фактлари сабабларидан бири бўлиб хизмат қилди.

Халқ хўжалиги тармоқларида ва давлат органларида ҳуқуқни қўллаш ишлари жиддий кўмакка муҳтож. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида юқори малакали ҳуқуқшунослар етишмаётир. Шуларни назарда тутганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун юқори малакали криминалистлар ва криминалоглар, шунингдек, шўро, хўжалик, назорат-тафтиш ва бошқа муассасалардаги ишлар учун мутахассислар тайёрлаш юзасидан куллиётлари бўлган ҳуқуқшунослик институтини қайта тузиш ғоятда зарурдир. Бунда дорилфунуннинг ҳуқуқшунослик куллиётини сақлаб қолиш лозим бўлади.

Институт фаолият кўрсатиши Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги қардош жумҳуриятларнинг манфаатларига ҳам жавоб берган бўлур эди. Уларда ҳам ҳуқуқий кадрлар тайёрлаш ишида жиддий муаммолар мавжуд. Йирик ҳуқуқшунослик ўқув юртини ташкил этиш жумҳуриятда қонун ишлаб чиқариш фаолиятини фаоллаштириш ва ялпи ҳуқуқ таълимини яхшироқ ташкил этишга ҳам кўмаклашган бўларди.

Ҳуқуқшунослик институтини ташкил этиш зарурати тўғрисидаги масала бир неча бор кўтарилди. 1989 йил сентябрида шўро, фирқа ва хўжалик органларининг жумҳурият йиғинида мана шундай қарор қабул қилинган эди. Лекин у амалга оширилмай қолди. Биз ўз таклифларимизни юқори идораларга маълум қилганмиз ва шу фикрда қоламиз.

— Бобир ака, ёшлар ҳақида гап кетганда, албатта, ўзингизнинг ёшлик йилларингиз ёдингизга тушса керак!

— Албатта, энг беғубор, энг ажойиб, даврни эсламай, уни қўмсамай бўларканми. Агар ёшлик давримнинг ҳаммасини гапириб берсам, муштарийларингиз зерикиб қолишади. Шунинг учун қисқача айтиб қўяқолай, 1948 йил 2 сентябрда Тошкент шаҳрида оддий хизматчи оиласида туғилганман, 1955 йилдан 1963 йилгача ўрта мактабда сўнг Тошкент Авиация техникумида ва 1967 йилдан 1972 йилгача ТошДДнинг ҳуқуқшунослик куллиётида ўқидим. Дорилфунундан сўнг 1977 йилгача жумҳурият прокуратураси органларида, 1983 йилгача жумҳурият Адлия вазирлиги органларида ва ниҳоят 1983 йилдан бошлаб судья бўлиб ишлаб келмоқдаман. Олдин Тошкент вилоят суди аъзоси, 1985 йилдан 1987 йилгача жумҳурият Олий суди аъзоси, 1987 йилдан 1989 йилгача эса Андижон вилояти суди раиси бўлиб ишладим. 1989 йилдан эса Олий суд раисиман.

Рафиқам мусиқашунос. Ўрта мактабда мусиқадан дарс беради. Уч нафар қизим бор. Улар ҳали ўрта мактаб ўқувчилари. Яна нима ҳам дейишим мумкин.

— Энг сўнгги савол. Рўзномамиз ҳақида фикрингиз...

— «Ёш ленинчи» ёшларники эмас, балки ҳаммабоп бўлиб қолди. Сўнгги пайтларда ҳуқуққа доир кенг мушоҳадали мақолалар бераётган рўзнома ҳам «Ёш ленинчи». Бунга асосим бор. Чунки, рўзномаларнинг айрим мухбирлари ҳали ҳуқуқшунослик илмидан тўла бохабар бўлмай туриб, бу соҳага қўл ураётган, охир-оқибат жиддий норозилик ёки кўнгилсизликларга дуч келаётган муаллифлар ҳам анчагина. Жамиятимизда ҳуқуқий давлат қурилар экан, бундай ҳуқуқий «саводсизликка» йўл қўйиб бўлмайди. Истагим, аввало ўзимиз ҳуқуқларимизни, қолаверса, давлат ва жамиятимиз ҳуқуқларини чуқур ўрганишда ибрат бўлайлик.

Ҳуқуқшунос бўлганим учун эмас, балки замон талаби бўлгани учун ҳам шуни таъкидламоқчиман: ҳуқуққа доир мақолалар кўпроқ ёритилса, жиноятчиликка қарши курашаётган орган ходимларининг машаққатли ишлари ҳақидаги материалларни тез-тез ўқисак дейман. Айниқса уюшган жиноятчиликнинг турли кўринишларига қарши ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб курашаётган ички ишлар органлари ходимлари, прокуратура терговчиларининг ва ниҳоятда мураккаб жиноятларга холис баҳо беришда сабот-матонат билан ишлаётган судьялар ҳақида ёзилган мақолалар ҳали жуда кам.

— Самимий суҳбатингиз учун катта раҳмат.

Мусоҳабани шикоят, хат ва оммавий ишлар бўлими мудири Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ олиб борди.

4

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар

АДАБИЁТ ихлосманди сифатида менинг диққатимни биринчи навбатда номзодлар рўйхатидаги «Адабиёт ва журналистика соҳасига бағишланган биринчи устун тортди. Усмон Носир номзодини мукофотлаш жуда-жуда савобли иш бўларди... Ашурали Жўраев, Муҳаммад Юсуф... Шак-шубҳа, эътироз туғдирмайдиган, мукофотга муносиб номзодлар. Улар ўз хизматлари билан кенг жамоатчилик эътирофи ва эътиборини қозониб улгуришган. Лекин ҳамма номзодлар ҳақида шундай деб бўлмайди. Аксинча, қўйилган номзодларнинг ёши, савияси, хизматига қиёсан, бошқа муносиб номзодлар хаёлни ўртайди. Кейинги йилларда матбуот саҳифаларида адабий мажлисларда Абдували Қутбиддин, Ҳалима Аҳмедова, Азиз Саид каби нодир истеъдодларнинг ижоди баҳсу-мунозаралар, олқишларга сазовор бўлди. Уларнинг инсон маънавий-руҳий оламини кашф этишдаги ўзига хос изланиш ва тажрибалари ҳақида мунаққидлар, шеърият ишқибозлари мароқ ҳамда ҳаяжон билан сўзлашдилар. Биринчи китоблари пештахтада из қолдирмай, чинакам шеърият ихлосмандлари қўлига ташна, дардманд қалбларга сингиб кетди. Нега номзодлар орасида улар йўқ?! Эҳтимол, улар мукофотга номзодлик ҳақидаги таклифни рад этгандирлар. Эҳтимол, ҳаракатдаги кучлар ғафлатдадир. Балки, бошқа сабаблар бордир. Ҳар қалай, ижтимоий-адабий жамоатчилик бу муаммога лоқайд қарамас. Ахир, жумҳурият Ленин комсомоли мукофоти муайян ёш билан боғлиқ нарса. Илгариги йиллардаги лоқайдлик ёхуд нодилона муносабат оқибатида рағбатсиз қолиб кетган йирик талантларни ҳар бир ижодкорлар авлодида учратиш мумкин. Майли, ушбу масала жамоатчиликнинг холис ҳукмига ҳавола. Биз номзоди қўйилган энг муносиб ижодкорлардан бири ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Ашурали Жўраевнинг дастлабки мақолаларини ўқиганимда, у санъатшунослик илмидан хабардор мутахассис бўлса керак, деб ўйладим. Кейин билсам, у оддий бир журналист экан. Ўша кезларда матбуотда кўриниб турадиган жонкуяр санъатшунос етмай турганни менда шундай тассурот уйғотган бўлса керак. Ашуралининг қаламкаш сифатида майдонга тушиб кўрсатган фаолияти англатадики, ҳар бир соҳанинг фидойи мутахассиси бўлиши шарт. Ўша соҳанинг жонкуяр журналисти, ёзувчиси ҳам бўлиши зарур экан. Ўзбекистон жумҳурияти санъатининг бугунги ҳаёти, жараёни, муаммоларини А. Жўраев қаламисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сўнгги йилларда санъатимиз турғунлик даври асоратларини ортда қолдириб, янгиланиш сари юз бура бошлади. Санъатга эътибор кучайди. Кўҳна миллий санъатимиз бор аҳволи, мураккабликлари, қамрови, долзарб оғриқли муаммолари билан халқ назарига, муҳокамасига туша бошлади. А. Жўраев ўзининг «Қайта қуриш ва санъатдаги муаммолар» туркум мақолалари билан ана шу жараённинг марказида турди.

Санъатдаги қайта қуриш кураши Ашуралини ҳам қаламкаш, ҳам санъатшунос сифатида чархлади, тоблади. А. Жўраев мақолаларида санъат соҳасидаги маъмурий буйруқбозлик, санъат ва санъаткорлар муносабатидаги идоравий услуб, лоқайдлик, эътиборсизлик, манфаатпарастлик иллатлари фош этилди. Санъаткорнинг қадр-қиммати, қисмати, ижтимоий аҳволи, обрўйи, санъат турлари ва обидаларининг сақланиши, таъмирланиши, қайта тикланиши каби қатор муаммолар Ашурали мақолаларида бот-бот кўтарилди. Албатта, бу чиқишлар амалий натижалар бераётгани, санъатга мудроқ муносабатдаги кишиларни ҳушёрлантираётгани билан қимматлидир.

Мана, журналистнинг кейинги чиқишларидан таниқли ҳофиз Фахриддин Умаров суратига чизгилар тарзида эълон қилинган «Илтимосга кунинг қолмасин» мақоласини («ЎзАС», 1990 йил, 2 март) олиб кўринг. Унда санъаткорнинг қиёфаси, маҳорати таҳлил қилинарқан, шу асосда унинг қадр-қимматини ўрнига қўйиш, обрўйини, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони ҳуқуқини тиклаш муаммоси ўртага қўйилди. Асли, Фахриддин Умаров ўзига хос овози, маҳорати, услуби, ижрочилик мактаби мавжуд санъаткор. У бундай унвонни татийдиган хизматини кўрсатган. Шундай «хизмат кўрсатган» санъаткорлар кўпайиб кетганки, боқий қоладиган бирорта қўшиғи йўқ. Фахриддин Умаровнинг, аксинча, қолмайдиган қўшиғи камроқ. Шунинг учун унвонсиз санъаткордан ҳам кўра, мухлислар кўпроқ хижолат тортардилар. Кўнгилнинг бир чети кам эди. Ашуралининг мақоласи кенг омма фикри ва истагини ифодалади. Натижада, ҳукуматимиз шахсий илтимосномасига қолмади. Балки, Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги томонидан жумҳурият президенти номига расмий илтимоснома тайёрланди. Мазкур илтимосномани кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР президенти И. А. Каримов махсус фармон билан Фахриддин Умаровнинг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони ҳуқуқини тиклашга қарор қилди.

Номзоди адабиёт ва журналистика соҳаси бўйича қўйилган экан, А. Жўраев «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг Санъат бўлими мудири сифатида санъат тарғиботини янги маъно ва мазмун билан бойитаётганини ҳам назарда тутиш лозим.

Санъат ёки санъатшунослик борасида бирор воқеа содир бўлса, янги илмий китоб, саҳна асари, кино яратилса, А. Жўраев ёки унинг бўлими биринчилардан бўлиб ҳозиржавоб акс-садо беради. Унинг ўзбек кино санъатида катта янгилик бўлган «Темир хотин» бадиий фильми ҳақида ёзган «Ҳам куласиз, ҳам куясиз» мақоласи («ЎзАС», 1990 йил, 6 апрель сони) фикримизнинг далилидир. Маданий ҳаётимизда ниҳоятда заиф санъат танқиди соҳаси борки, унга ҳам аҳён-аҳёнда бўлсада, мазкур бўлим эътибор бериб туради.



Ижод аҳли, у шоир, ёзувчи, олим, мунаққид, санъаткор бўлишидан қатъи назар, ҳиммат ва рағбатдан бенасиб эди. Бу аҳвол, айниқса, турғунлик даврида авжига чиққан. Кўп санъаткорларимиз на меҳр, на қадр кўрмай ўтиб кетишган. Ҳозир ҳам маънавий-руҳий мададга, моддий рағбатга муҳтож санъаткорлар бор. Ана шундай хоксор, дардкаш ижодкорларни тириклик чоғида қадрлаш, тақдирлаш А. Жўраевнинг эзгу одамий ғояларидандир. Дилбар ва беназир санъаткор Ботир Зокировга бахшида «Юрак бўронлари» ҳужжатли қиссаси ушбу ғоя маҳсули бўлиб, унинг дастлабки қисмлари марҳумнинг ҳаётлик онларидаёқ ёзилган ва оммалаштирилган эди.



КИПРИКДАГИ КЎЗЁШ ҒАНИМАТ

«Юрак бўронлари» асарининг яратилиши маърифий, маданий, тарбиявий аҳамиятга молик ибратли иш бўлди. У бизни тириклар учун қайғуришга, эс-ҳушимизни йиғиб олишга чорлайди. Қисса бир санъаткор қисмати тимсолида маданий ҳаётимизнинг муайян даври мураккабликларини ҳам акс эттиради. Асар китобхонларни санъаткорнинг тарбияти, камолоти, маънавий қиёфаси билан яқиндан таништиради. Уларни санъат ва инсонга муҳаббат руҳида тарбиялайди. Қиссада муаллифнинг санъатшунос ва инсоншунос сифатидаги нуқтаи назари мужассамлашган.

Асардаги санъаткорнинг шаклланиши манзаралари ҳозирги ёш санъаткорлар учун жуда-жуда ўрнак бўларли. Маълумки, қўшиқчилик санъатининг асосий замини бадиий адабиёт — шеъриятдир. Қўшиқ муайян бадиий асар матни асосида яратилар экан, куйланажак руҳ, маъно, оҳангнинг бирламчи манбаи ундадир. Ботирнинг ёшлигидан бадиий адабиёт мутолаасига қаттиқ берилгани, «Лайли ва Мажнун» достонига мафтунлиги, бунга қўшимча яна санъаткорлар ошёнида тарбияланиши унинг санъаткор сифатидаги ўзига хос йўли, услуби, қиёфасини белгилаган. Ваҳоланки, кўп санъаткорларимиз бадиий сўздан маънан ва руҳан узоқлар. Шунинг учун уларнинг ўзига хос услуби ва қиёфаси сезилмайди.

Мунис айтганидай: «Дард чекмак, ашк тўкмак ишқ элига хосдур, Ҳар кўнгулга дарду ҳар кўзга эмас нам ошно». Оллоҳ суйган бандаларига дард берармиш, дейдилар. Ботир Зокиров мажнунвор, дардолуд қўшиқ айтганида, увз-увзимдан фиғонлар бош чекади. Тангри унга туганмас қайғу насиб этган эдики, уни қўшиқ ва оҳангларгагина сиғдириб бўлмасди. У қўшиқда ифодалаёлмаган туйғулари изҳори учун санъатнинг бошқа турларига мурожаат қилган бўлса, ажаб эмас. Назаримда, у қалб оғриқларини тасвирий санъат орқали ифодалаган, дардларига ундан малҳам ва таскин топган. Кўнглида кўзи бор хислатли кишилар сингари, унга ҳам куйлардан, оғриқлардан манзаралар намоён бўлган. Сўнгги суҳбатдаги мана бу сўзларга эътибор беринг-а: «Саратон» картинасини бир куйга қаттиқ берилганда чизганман. Кўпчилик «Манзаралар» бетоблигимда қоғозга тушган». Қани энди, бошқа етук санъаткорларимизнинг ҳам моддий ҳаётинигина эмас, маънавий-руҳий дунёсининг сеҳрли ҳилқатларини ҳам шу қиссадагидек кашф эта олсак.

Қиссада Ботир Зокиров ҳақидаги жигарсўз эътирофлар, афсус-надоматлари, армонлар катта ўрин эгаллаган. Хотираларнинг ҳар бири жавран эгилган ҳақиқат, топталган муҳаббат, хўрланган истеъдод қадрини абадий бонг уриб сўроқловчи ҳужжатдир. Уларнинг кўпчилигига жавоб ноилож қиёматгача қарз бўлиб қолади. Аммо айрим армонлар ушалиши учун санъаткор ҳаётлигида аялган мурувват эндиликда раво кўрилса бўларди. Жумладан, СССР халқ артисти Тамарахонимнинг: «Ботир чинакам буюк санъаткор. Бунақаси қайтиб туғилмайди... Унга аллақачон СССР халқ артисти унвони бериш керак эди. Бу хатони асло кечириб бўлмайди», деган сўзларини ҳеч бўлмаганидан кўра, кеч бўлса ҳам, ўйлаб кўриш керак. Асли, Ботир Зокиров хизматлари учун СССР халқ артисти унвони ҳам кам. Чунки у замонавий ўзбек санъатини Иттифоқ миқёсигагина эмас, жаҳон саҳнасига олиб чиқди.

«Юрак бўронлари» қиссасини бу ўринда муфассал таҳлил этмадик. Чунки асарнинг моҳияти Р. Раҳмонов ва Ж. Сафоевнинг «Ўлмас қўшиқ қасидаси» тақризларида анча кенг ёритилган («Шарқ юлдузи», 1990 йил, 6 сон). А. Жўраевга айрим ижодий истаклар билдириш билан чеклангинимиз маъқул. Умуман, Ашурали ҳозиргидан кўра кучли ва салмоқлироқ адабий асарлар яратишга қодир. Унинг истеъдодида очилмаган қирралар, ишга солинмай турган имкониятлар бор. Бу имкониятларни бадиият илмини чуқурроқ ўрганиш, бадиий умумлашма яратиш санъатини ўзлаштириш натижасида инкишоф этиши мумкин. Албатта, Ашурали ҳали фурсатни бой бергани йўқ, қолаверса, бадиий матн устида ишлаш, етук бадиий маҳорат қозониш умрбод давом этадиган чексиз жараён. Муайян масаллиқдан турли хил ва турфа маза берадиган таом тайёрласа бўлади. «Юрак бўронлари»даги ашё ҳам шундай. Ҳозирча, ҳужжатли қисса ҳолида вужудга келди. У келажакда бемалол йирик бадиий асар ёхуд катта илмий-адабий рисола яратишга замин бўла олади. Буни А. Жўраевнинг ижодий камолоти кўрсатади.

КОМИЛ ИШОНЧ билан айтиш мумкинки, ҳозирги ижтимоий-адабий фаолияти билан Ашурали Жўраев Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотини олишга лойиқ, назаримда. Умидли, нодир истеъдодни киприкдаги кўзёш, қорачўғдек ғанимат билиб эъзозлаш, вақтида тақдирлаш келгуси ижодий ютуқлар гаровидир.

Нусратулло ЖУМАЕВ,
филология фанлари номзоди.

Мухлисларни ҳаяжонга солиб...

Жўжани кузда санайдилар, деган мақол бор. Мана, кузга ҳам етиб келдик. Аммо, хулоса чиқаришга эрта, шекилли. Ҳар қалай, олий лигага йўлланма берувчи учта нақд, битта мавҳум (у биринчи лиганинг тўртинчи ва олий лиганинг охирги ўринни эгаллаган командалари ўртасидаги ўзаро баҳсда маълум бўлади) ўрин учун кураш қизғин паллага кирди. Исботни узоқдан излашга ҳожат йўқ. Куни кеча «Пахтакор» ва «Зенит» командалари ўртасидаги ўйиннинг бориши ҳам буни исботлаб турибди.

Тўғри, учрашувда тошкентликларнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Лекин, ҳамма гап шундаки, ана шу устунликни амалга ошириш ниҳоятда қийин кечди. Одатда бундай пайтларда омад ҳақида сўз боради. Аммо омад деганлари ҳам кучли ва маҳоратли томонга кулиб боқади. Шу маънода, айтиш мумкинки, «Пахтакор»га омад кулиб боқди.

Учрашув кутилганидек майдон эгаларининг ҳужуми билан бошланди. Бир қанча қулай вазиятлар юзага келди. Гоҳ у, гоҳ бу ўйинчимиз қулай вазиятдан туриб тўпни дарвозага йўллай олмадилар. Адолат юзасидан айтадиган бўлсак, меҳмонлар дарвозабони Бирюков ҳам маҳорат кўрсатди.


Яхши умидлар билан ўйингоҳга келган мухлислар пахтакорчиларда қандайдир шошқалоқлик содир бўлаётганини сезиб, ташвишга тушдилар, албатта. Натижада «Зенит» ўйинчилари учун қарши ҳужум уюштиришга қатор имкониятлар туғилди.

Шундай қарши ҳужумлардан бири бурчакдан тўп тепиш билан тугади. «Ҳа, энди, одатдаги бурчак тўпи» деб ўйлаган, пахтакорчилар ўз жарима майдончаларига унчалик ошиқмадилар. Натижада, бурчак тўпи гол билан якунланди. Радченко дарвозабонимиз Яновский ва ҳимоячиларимизга қараганда чаққонроқ ҳаракат қилиб, тўпни боши билан дарвозага йўллади.

Ўйин тамом бўлишига эса, ҳеч қанча вақт қолмаган эди. Наҳотки, умидлар чилпарчин бўлса? Фақат ютуқни ўйлаган мухлислар бесаранжом бўлиб қолишди. Норозилик ҳуштаклари эшитилди. Бироқ, аҳвол кутилмаганда жиддийлашиб қолганини «Пахтакор» футболчилари ҳам англашган эди, албатта. Ўз майдонида йўқотилган ҳар битта очко орзуга бошлаб борувчи йўлга тўғаноқ бўлиши мумкин эди. Яна ҳужумга зўр берилди. Ўйинчилар алмаштирилди. Айниқса Бунтов ҳаракатлари меҳмонларни шошириб қўйди. Хуллас, учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда бурчакдан тепилган тўпни Шквирин боши билан дарвозага йўллади.

Меҳмонлар шошиб қолишди. Бундан фойдаланган Оганесян жарима майдончасида чаққонлик билан ҳаракат қилиб, ўзига қулай вазиятдан тўпни «Зенит» дарвозасига киритди. Бу пайтда учрашувнинг сўнгги дақиқаси кетаётган эди. Ҳисоб — 2:1, Ғалаба!

«Пахтакор» ушбу ғалабадан сўнг очколар сонини 34 тага етказди. Команда навбатдаги учрашувни бугун Бокунинг «Нефтчи» футболчилари билан ўтказади.



Подмосковьедаги ва Лужникидаги кичик спорт майдонида бўлиб ўтган отиш спорти бўйича жаҳон чемпионати болгариялик мерган Спас Копринков учун омадли бўлди. 20 ёшли бу спортчи ҳаммани қойил қолдирди. У «50 метрдан туриб эркин тўппончада 60 та ўқ узиш» машқида 651 очко тўплаб, олтин медалга сазовор бўлди.

Н. ЯКОВЛЕВ сурати (СИТА).

ТВ

5 СЕНТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Синюшканинг қудуғи». Болалар учун фильм. 12.00 Такрорий фильмлар экрани. «Бетайин кишилар». Бадиий фильм. 13.30 ЎзТВ жавонидан. П. Қодиров. «Олмос камар». Видеофильм. 2-қисм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Митти фаришта». Жиззах вилояти қўғирчоқ театрининг спектакли. 18.25 «Фанга бағишланган умр». Академик О. С. Содиқов. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан. 19.00 «Дала неъматлари — эл дастурхонига». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Тетива». Манзарали фильм. 20.00 Жумҳурият касаба уюшмаларининг XIV съезди олдидан. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Драга». Телефильм. 21.10 Вилоят мусиқа театрларининг яккахонлари ижросида концерт. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Хотира». Ёзувчи Ўктам Усмоновнинг хотирасига бағишланган кўрсатув. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильмлар: «Сахий эртак», «Дадабой ва будильник». 8.30 Бутунроссия конкурсининг лауреати С. Лукин чалади. (домра). 8.45 «Объектив». 9.20 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 10.20 «Эфирда мусиқа». Сайланмалар. 10.50 «Сўз». Адабий-бадиий программага илова. «Русофиллар кимлар?». 11.30 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Тоғларимиз ҳанида афсона ва қисса». «Лакрица». 12.00 «Вақт». 12.40 Ф. Легар. «Граф Люксембург». Москва Давлат оперетта театрининг спектакли.

* * *

15.40 «Овоз йўлидаги икки портрет: Изабелла Юрьева ва Вадим Козин». 16.45 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.45 «Ажойиб кун». Мультфильм. 18.00 «Вақт». 18.30 Рус қўшиқларини Л. Иванова ижро этади. 18.40 Австралия телевидениесининг беш оқшоми. «Тўртинчи истак». Телевизион бадиий фильм премьераси.

«Ёш ленинчи» жамоаси рўзноманинг собиқ ходими, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси

Тўлқин РУСТАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузурида ташкил қилинган давлат ихтисослаштирилган инспекцияси балиқлар, қушлар ва ўсимликларнинг «экологик жиҳатдан тоза»лигини текширишга киришди. Корхоналардаги газ тозалаш иншоотларини, улардан чиқаётган тутунларнинг нормадан ошмаслигини назорат қилиш ҳам унинг вазифасига киради.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 235515.